БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 73 (19.744). ● 1987 йил 31 март, сешанба ● Баҳоси 3 тийин.

• *Жадаллаштириш—давр талаби*

ҚОЛОҚЛАРСИЗ ИШЛАЙМИЗ

Наманган абрли шойи газламалар комбинати пиллакашлик корхонаси ишчи ва мутахассислари ана шундай меҳнат қилишга қарор бердилар

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг совет халқига Мурожаатномасида айни кўнглимиздаги гаплар янгради. Мурожаатномадаги: «Ҳаётдаги ҳамма ҳодисалар учун тайёр кўрсатмалар бўлмайди. Қайта қуриш умумхалқ ижодий лабораторияси бўлиб қолсин. Янгиланиш практикасига диққат билан муносабатда бўлиб, уни танқидий англаб олайлик, илғор тажрибанинг ҳар бир заррасини қадрлаб, уни қўллаб-қувватлайлик ва ривожлантирайлик. Жонли, эркин фикрлаш — жадаллаштиришнинг муҳим шартидир» деган сатрлар бизни редакцияга ушбу мактубни йўллашга ундади.

Комбинатимиз кекса ва илғор корхоналардан. Планлар мунтазам бажариб борилади. Ўтган йилги планларимиз орттириб адо этилди. 1987 йилнинг икки ойида пландан ташқари 1 миллион 832 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Шу икки ойда ўтган йилнинг январь — февраль ойларидагига нисбатан 15,9 процент юксалишга эришилди. Бу — яхши.

Лекин бизни ташвишга солаётган масала бошқа. Комбинатимиз таркибида тўрт корхона — пиллакашлик, ипак пишитиш, бўяш, тўқувчилик ишлаб чиқариши корхоналари мавжуд. Уч корхона планларни доимо зиёда бажаради. Бизнинг пиллакашлик корхонамиз эса бир меъёрда ишламайди — планни гоҳ бажарса, гоҳ бажармайди. Ўтган йилнинг иккинчи ярмида пиллакашлик корхонамиз қолоқлар қаторига тушиб қолди.

Хуллас, бугун комбинатни орқага тортаётганимизни, унинг иқтисодий кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатаётганимизни ҳис қилиб турибмиз. Бундай аҳвол пиллакашлар юзини шувит қилиб қўйди. Бу йилги икки ойлик планларнинг бажарилишидан ҳам кўнглимиз тўлмаяпти. Зўрға, учма-уч бажарилди. Ваҳолонки, биз жадаллаштириш даврида яшаяпмиз. Шундай экан, биз ҳам илғорлар қаторидан ўрин олишимиз керак.

Илғорлар қаторига ўтиб олиш хусусида аввал ўзаро муфассал суҳбатлашдик. Кейин бригадаларда, сменаларда, цехда маслаҳат қилдик. Ва ниҳоят бу масала корхона маъмурияти, партия, касаба союз, комсомол комитетида мулоҳаза қилинди. Нималар мулоҳаза қилинди? Фақат аҳд, ниятнинг ўзи камлик қилади. Яхши орзуга эришмоқ учун имкониятларни кўриб чиқиш, резервларни ҳисобга олиш, зарур бошқа ҳисоб-китоблар бўлиши керак. Ана шуларни чамаламай туриб бир қарорга келиб бўлмасди.

Ҳақиқий аҳвол эса кўнгилни хира қилади. Технология ва меҳнат интизоми бузилиши ҳоллари тез-тез содир бўлиб, пилла исрофгарчилигига йўл қўйиляпти. Маҳсулот сифатининг пастлиги ҳақли эътирозларга сабаб бўлаётир. Ўтган йил якунларига кўра, пландагидан 2 тонна кам маҳсулот бердик. Фойда олиш ўрнига 2,5 миллион сўмлик зарар келтирдик. Пилланинг солиштирма сарфи пландаги 3,75 ўрнига 4,02 килограммни ташкил этмоқда.

Мулоҳаза ва маслаҳатлашувлар якунида ягона қарорга келдик — коллективдаги ҳамкасбларга, мутахассисларга мурожаат қилдик. Чунки қолоқ бўлиб юриш ишчилик шанимизга тўғри келмаслигини, иззат-нафсимиз кўтармаслигини очиқ айтдик.

Корхонамизда ипак ўровчи ва пилла пишитувчилар, пилла сараловчи ҳамда қайта ўровчилар ҳал қилувчи роль ўйнайдилар. Корхонада тўқиладиган атлас ва бошқа шойи газламаларнинг хом ашёсини, халққа манзур бўладиган хилма-хил маҳсулот тайёрлашни кўпайтириш, турларини янгилаш мумкин. **Агар ҳар бир ишчи ва мутахассис коллектив ҳақида қайғурса, ўз вазифасига виждонан, ҳалол ёндашса, камчиликларни кўриб кўрмасликка олмаса, ишимизда катта ўзгаришлар бўлади.**

Бунинг учун ишда лоқайдлик ва бепарволикка барҳам беришимиз керак. Шундагина меҳнат унумдорлиги ортиб боради, маҳсулот сифатида жиддий ўзгаришлар юз беради, пилла исрофгарчилигига чек қўйилади. Ваҳолонки, ҳозир ҳар куни ўртача 80 килограммдан пилла нобуд бўлиб турибди. Шундагина ускуналарнинг смена коэффициенти ортади, «Янгилик» белгиси билан ранго-ранг газламалар тўқиб чиқаришни кўпайтиришга эришиш мумкин.

Ҳўжалик юритишнинг янги методида ишлашга ўтдик. Бу сифат масаласини ўткир қилиб қўймоқда. Биз қанчалик сифатли маҳсулот тайёрласак, комбинатимизнинг бошқа корхоналари шунчалик бенуқсон ва нормал ишлайди. Демак, сифат масаласида дастлаб биз ўзимиз, пиллакашлар масъулмиз. Биз сифат учун курашнинг олдинги марраларида боришга сўз берамиз ва бошқа ҳамкасбларимизни ҳам корхона маркази учун қатъий курашга чақирамиз. Бу — давр тақозоси.

«Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур» дейди халқимиз. Дарҳақиқат, корхонамизнинг бир меъёрда, юксак суръат билан ишлаши ремонт хизмати ва таъминот бўлими ходимларига боғлиқ. Яширмаймиз, машинамеханизмлар «қўлдан кетгунча» қабилида ремонт қилинишига ҳали чек қўйилгани йўқ. Эҳтиёт қисмлар ва мойлаш материаллари вақтида етказиб берилмаса, нормал ишлаб бўладими?! Биз ремонт хизмати ходимларини ўз ишини қайта қуришга, ремонт сифатини яхшилашга, эҳтиёт қисмларни ўз вақтида етказиб беришга чақирдик.

Комбинат лабораторияси мутахассислари, контрол ўлчов асбоблари ва метрология бўлимлари ходимлари олдига ҳам масала қўйдик. **Улар ҳам сифат учун курашдан четда турмасликлари зарур.** Технология режимига қатъий риоя қилишни, маҳсулотнинг ГОСТ талабларига мувофиқ тайёрланишида уларнинг ўз бурчига садоқатли бўлиши айниқса, муҳимдир.

Айони бошқаларга тўнкаш деб тушунманг-у, агросаноат комплексидаги пиллачи ўртоқларга ҳам даъвомиз бор. Биз тайёр пилладан ипак ажратиб оламиз. Очиқ айтиш керакки, олинаётган пиллалар сифати рисоладагидек эмас. Баъзан намлиги ортиқ, баъзан толаси калта бўлади. Бундай хом ашёдан сифатли ипак толаси ажратиб олишда қийналяпмиз. Бунинг устига **сифати паст пилладан юқори сифатли маҳсулот олишнинг имкони йўқ. Толасининг узунлиги 600 метргача борадиган пилла сортлари биз учун мақбул. Бироқ шундай сифатли пиллани биз жуда оз миқдорда оламиз. Пиллакорлар, тармоқ мутахассислари ва олимлар юқори кондицияли, узун тола берадиган пилла навлари ҳақида астойдил ўйлаб кўришса, ипакчилик тармоғи тараққиётига муносиб ёрдам кўрсатган бўлур эдилар.**

Эски ускуналар билан маҳсулот тайёрлаш қийинчиликлари ҳам оз эмас. Республика Енгил саноат министрлиги зарур станоклар нормадаги 10 йил ўрнига 15 йилдан ҳам кўпроқ ишлатилаётганлигини албатта, инобатга олади, деб ишонамиз. Ускуналарнинг унумлилари билан алмаштирилиши—ишларимиз жадаллашиб кетишига имконият яратган бўлур эди.

Қолоқларсиз ишлаш ҳаракатини бошлаганимизда социалистик мусобақа имкониятларидан ўринли фойдаланишни алоҳида назарга олдик. Қатор бригадаларда, сменаларда социалистик мусобақа сусайиб кетган, якунлар вақтида чиқарилмайди. Биз социалистик мусобақанинг ибратли формаларини тиклаймиз. Меҳнат беллашуви якунларини вақтида чиқарамиз, унинг ошкоралигини таъминлаймиз, ғолибларни маънавий-моддий рағбатлантиришни такомиллаштириб борамиз.

Коммунистларнинг авангардлигига қаттиқ суянамиз. Ҳозирги долзарб дамларда коммунистларнинг шахсий намунаси, ташаббускорлиги, камчиликларни бартараф этишдаги муросасизлиги олға ҳаракат қилишда, қолоқликдан чиқишимизда муҳим омил эканлигини жуда яхши англаймиз. Биргина резервни мулоҳаза қилиб кўрайлик. Пилламиз — тилламиз. Унинг бир донаси 3 тийин туради. Бордию, 1 килограмм пилла йўқотилса, пиллакашлик корхонаси 33 сўм зарар кўради. Оқибатда корхона коллективи кўпгина мукофот ва имтиёзларидан маҳрум бўлади. Агар пилланинг солиштирма сарфини ҳатто 1 процент камайтиришга эришсак, 333000 сўмлик маҳсулот ёки 2670 килограмм табиий ипак тежаб қолган бўламиз. Бундан 38 минг 142 метр хонатлас тайёрлаш мумкин.

Ниҳоят биз қолоқларсиз ишлашга аҳд қилганимизда илғорлар тажрибасига ҳам катта умид боғлаганмиз. Комбинатимиз коллективи партия XXVII съезди қарорларини амалга ошириш учун кураш мусобақасида ғолиблик қилаётган пешқадамлар билан ҳақли равишда фахрланади. Улуғ Октябрнинг шонли 70 йиллиги юбилейи шарафига оширилган мажбуриятлар олиб меҳнат қилаётган новаторлар сафи кенгайиб боряпти. 3000 ишчи ва 10 бригада 7 ноябргача беш йиллик икки йили планини бажаришга сўз берган. 850 ишчи уч йиллик маррани эгаллайди. Ипак ўровчи Азиза Боймирзаева ва тўқувчи Аҳад Тошбоев юбилей кунигача тўрт йиллик ҳажмида маҳсулот беришмоқчи. Бу икки новатор ишчи ўз тажриба мактабига эга. Биз мактаб машғулотларини ойда бир эмас, кунда ярим соатдан ўтказиш билан ёш ишчилар маҳоратини ошириб боришни ҳам режалаштирганмиз. Уста мураббийлар бунга бажонидил розй бўлишди.

Ташаббусимиз комбинатимизда кенг қўллаб-қувватланаётгани бизга далда беряпти. Комбинат партия комитети қолоқларсиз ишлаш ҳақидаги ташаббусимизни маъқуллади, тегишли тадбирлар белгилади. Комбинат маъмурияти, партия, касаба союз ташкилотлари ва илғор ишчилар, билимдон мутахассислар бизга амалий ёрдам қўлларини чўза бошладилар. Жумладан, комбинат директорининг ўринбосари лавозимида ишлаб келган Алихон Ҳакимов пиллакашлик цехининг қолоқ В-сменасига мастер бўлиб ўтди. Ипак пишитиш корхонаси бошлиғи Мухторжон Халилов, тўқув корхонасининг бошлиғи ўринбосари Қодирхон Эгамбердиев планларни бажармай келаётган 5 тадан серияни қолоқликдан чиқариш кафилини олишди.

— Энг яхшиларга тенглаш, қолоқларга ёрдам қил, умумий юксалишга эриш! — Бизнинг бугунги шиоримиз ана шундай.

Биз республикамиздаги, барча ҳамкасбларимизга, ўн иккинчи беш йиллигининг ҳар бир кунини зарбдор ишлар билан якунлашга интилаётган ҳамма коллективларга мурожаат этиб, уларни коллективимиз бошлаган ишга қўшилишга — қолоқларсиз ишлашда бизни қўллаб-қувватлашга чақирамиз. Шундай қилиш мамлакатда авж олаётган қайта қуриш ва иқтисодий-социал тараққиётни жадаллаштириш ишларига кўрсатадиган нақд мададимиз бўлади.

КПСС XXV съезди номли Наманган абрли газламалар комбинати пиллакашлик ишлаб чиқариш корхонаси коллективи номидан:

Хадича ИБРОҲИМОВА, ипак ўровчи, Меҳнат Қизил Байроқ ордени нишондори; Ханифа ЛОМИДЗЕ, бригада бошлиғи; Ғанишер АКБАРОВ, мастер ёрдамчиси; Раҳматулло КАРИМОВ, пилла пишируувчи, «Ўз касбининг устаси» республика конкурсининг ғолиби.

Юбилей шарафига

ҚАШҚАДАРЁ области. Шўртан газ комплексида паст ҳарорат сепарациясининг тўртинчи мосламаси ишга туширилди. Бу йилга қўшимча юз миллионлаб кубометр газни қайта ишлаш имконини беради.

Шўртан газчилари Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига мусобақани авж олдириб, шонли юбилейгача беш йилликнинг икки йили планини бажариш йўлида ғайрат қилишяпти. Уларнинг нияти планга қўшимча 300 миллион кубометр газни қайта ишлаш.

Суратларда: 1. Комплекснинг илғор оператори Е. Олтибоев. 2. Янги мосламанинг умумий кўриниши.

Ш. Шаропов фотолари. (ЎзТАГ).



ГУЛИСТОН

Хўжалик ҳисобидаги 3-автомобиль транспорти корхонасининг энг яхши ҳайдовчилари Ш. Сулаймонов, А. Горбачев, А. Сгурский, К. Хўжаев «Қизил шанбалик» кунида нормани икки баравардан зиёд ошириб бажаришга қарор қилдилар. Автопоездларда ишлаш мусобақа пешқадамларига юксак унумдорликка эришиш имконини беради. Автомобиль корхонасининг коллективи ленинча шанбалик кунида 3 минг тоннадан кўпроқ халқ хўжалик юкларини ташиб беришни, беш йиллик фондига 1200 сўм пул ўтказишни режалаштирмоқда.

ЖИЗЗАХ

Жиззах ип-йигирув фабрикаси ходимлари Бутуниттифоқ ленинча шанбалиги кунида икки ярим тоннадан зиёд калава ип ишлаб чиқарадилар. Корхонанинг кўпгина меҳнатчилари 18 апрелда фабриканинг икки микрорайонини ободонлаштириш иши билан шуғулланадилар. Йигирувчилар ишлаб топган бутун пулни беш

18 АПРЕЛЬ — КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК

йиллик фондига ўтказишга қарор қилинди.

ҚЎҚОН

Қўқон пайпоқ-йигирув бирлашмасининг коллективи ленинча Коммунистик шанбалигини зарбдор меҳнат билан нишонлашга қарор қилди. Шу куни юз минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Маҳсулотнинг бир қисми тежалган хом ашё ва тежалган электр энергияси ҳисобига чиқарилади. Меҳнат байрамида корхонанинг жами тўрт мингдан кўпроқ меҳнатчиси қатнашади.

НАМАНГАН

«Союзузбекгазпром» бирлашмасига қарашли Наманган механизациялашган қўчма колоннасининг коллективи 18 апрель куни Совет районида қурилаётган шаҳар буғ қозонхонасига газ қувури ётқизиш билан шуғулланади. Умумий йиғилишда смена топшириғини 15—20 процент ошириб бажариш мажбурияти қабул қилинди. 5700 сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилади.

САМАРҚАНД

Бу ердаги химия заводида коммунистик шанбалик штаби ишлай бошлади. 18 апрель куни топшириққа қўшимча равишда 100 тонна ўғит ишлаб чиқарилади. Заводнинг асосий ишлаб чиқаришида шу куни банд бўлмаган ходимлар физкультура-соғломлаштириш комплексини қуриш билан шуғулланадилар.

ТОШКЕНТ

Йирик блокли уйсозлик комбинатининг барча бўлинмаларида йиғилишлар бўлиб ўтди. Бу йиғилишларда шанбалик кунида энг юқори меҳнат унумдорлигига эришишга қарор қилинди. 60 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш, катта ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишларини бажариш мўлжалланмоқда. Шанбалик фондига салкам тўрт минг сўм пул ўтказилади. (ЎзТАГ).

РЕСПУБЛИКАНИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИГА

Анъанавий Хотира кунида Тошкентнинг марказида атоқли партия ва давлат арбоби, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг биринчи Раиси Йўлдош Охунбобоевнинг ҳайкали очилди.

Меҳнат коллективларининг, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг минглаб вакиллари, партия, уруш ва меҳнат ветеранлари, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округининг жангчилари, республика биринчи Президентининг қариндош-уруғлари ва яқин кишилари, пионерлар ва мактаб ўқувчилари «Правда Востока» кўчасидаги хиёбонга келдилар.

Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин митингни очди.

Уруш ва меҳнат ветеранлари республика кенгашининг раиси Р. Ғ. Ғуломов Й. Охунбобоевнинг шонли ҳаёт йўли тўғрисида гапирди. Ўзбекистонда Совет ҳокимиятининг ғалабаси учун курашнинг энг муҳим босқичлари, шунингдек ер-сув ислоҳотини, маданий революцияни амалга ошириш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, саноатни барпо этиш унинг номи билан чамбарчас боғлиқдир.

Октябрь революцияси номидаги Тошкент тепловоз ремонти заводининг меҳнат ветерани А. М. Коськов, Ўзбекистон ССР халқ артисти Г. А. Раҳимова, «Гордорстройремонт» трести 2-ремонт-қурилиш бошқармасининг гранитчиси Ф. Ф. Нигай атоқли давлат арбоби, эътиқодли интернационалист Й. Охунбобоевнинг ҳаёти совет кишиларининг кўпгина авлодларини янги зафарларга илҳомлантиражаги тўғрисида гапирдилар.

Йўлдош Охунбобоевнинг ўғли — Фарғона область Охунбобоев районидаги Ленин номли колхоз правлениесининг раиси К. Й. Охунбобоев Коммунистик партия ва Совет ҳукуматига, отасининг хотирасини унутмаган барча кишиларга астойдил миннатдорчилик сўзларини айтди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев лентани қирқди ва баланд мармар супада турган Й. Охунбобоевнинг бронзадан қуйилган симмоси йиғилганларнинг кўз ўнгида намоён бўлди. (ҳайкал авторлари — ҳайкалтарош А. Шаймуродов, архитектор Л. Адамов).

Ҳайкал пойига ранг-баранг баҳор гуллари қўйилади. Тошкент гарнизонининг жангчилари монумент олдидан шаҳдам қадам ташлаб тантанали юриб ўтдилар.

Ҳайкални очиш маросимида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Т. А. Алимов, В. П. Анишчев, В. А. Антонов, В. А. Головин, А. С. Икромов, Ғ. Ҳ. Қодиров, В. Н. Лобко, Р. Н. Нишонов, В. И. Огарок, Н. И. Попов, М. Ҳ. Холмуҳамедов, Ҳ. Алимова, И. Ҳ. Жўрабеков, В. А. Хайдуров, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Ғ. З. Заҳриддинов, Қ. Ҳ. Маҳамадалиев, В. В. Сударенков, С. У. Султонова қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

Ўртоқ Э. А. Таймазовни Ўзбекистон ССР енгил саноат министри этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади: Ўртоқ Эскандер Аппазович Таймазов Ўзбекистон ССР енгил саноат министри этиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Р. НИШОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри, 1987 йил 30 март.

М. С. Горбачевнинг Чехословакия Социалистик Республикасига расмий дўстона визити тўғрисида

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг таклифига биноан яқин кунларда расмий дўстона визит билан ЧССРга боради.

ҚИРҒИЗ ТИЛИДА

ФРУНЗЕ. «Қирғизстан» республика нашриёти В. И. Ленин 55 томлик Тўла асарлар тўпламининг саккизинчи томини қирғиз тилида босмадан чиқарди. Асарни Қирғизистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институти нашр этмоқда. (ТАСС).

БУЮК БРИТАНИЯ БОШ МИНИСТРИ М. ТЭТЧЕР МОСКВАГА КЕЛДИ

Совет раҳбарларининг таклифига биноан Буюк Британия Бош министри М. Тэтчер 28 март куни расмий визит билан Москвага келди.

Аэродромда уни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Автомашиналар кортежи аэродромдан мотоциклчиларнинг фахрий эскорти ҳамроҳлигида шаҳарга йўл олди.

* * *

Катта Кремль саройининг Георгий залида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев рафиқаси билан М. Тэтчерни кутиб олди.

Сўнгра қисқача суҳбат бўлди.

(ТАСС).

Кремлда учрашув пайти.

ХОТИРА МУҚАДДАСДИР

29 март куни Ўзбекистонда анъанавий Хотира куни ўтказилди. Республика меҳнаткашлари мамлакатимиз тарихини жанговар ва меҳнат жасоратлари билан бойитган Ватаннинг шонли ўғил-қизларини, қавм-қариндошлари ва ёру-биродарларининг хотирасини чуқур ҳурмат билан эсладилар.

Революция, Улуғ Ватан уруши ва гражданлар уруши, тинч бунёдкорлик қаҳрамонларининг ёркин ҳаёти совет кишилари учун ҳамиша халққа, социалистик Ватанга фидокорона хизмат тимсоли бўлади.

Шу куни республика шаҳарлари ва қишлоқларининг меҳнаткашлари ўзларига ҳаёт бахшида этган, боқиб ўстирган, кекса авлод бошлаган ишни муносиб давом эттиришни васият қилган кишиларнинг қабрларини зиёрат этдилар.

ЎзТАГ мухбирлари республикада Хотира куни қандай ўтганлиги тўғрисида ҳикоя қиладилар:

ТОШКЕНТ

Хотирот вахтаси республика ёшлари учун кекса авлод шонли анъаналарига садоқат кўриги бўлиб қолди. Шу кунларда бўлган митинглар, ветеранлар билан учрашувлар «Ҳеч ким, ҳеч нарса унутилмайди» деган шиор остида ўтди.

Тошкентдаги Ленин комсомоли номли боғда ёшларнинг умумшаҳар митинги бўлиб ўтди. Ёш ишчилар, студентлар, мактаб ўқувчилари босмачиларга, аксилинқилобчиларга, фашист босқинчиларга қарши курашда ҳалок бўлган комсомолларнинг хотирасини ҳурмат билан эслагани бу ерга келдилар. Митингда уруш ва меҳнат ветеранлари, Тошкент комсомол боғининг биринчи бунёдкорлари қатнашдилар.

Йигит-қизлар комсомоллар мардлиги ҳайкали пойига гуллар қўйдилар, боғнинг дастлабки қурувчиларига бағишлаб уни ободонлаштириш якшанбалигини ўтказдилар.

Меҳнат ва ўқишда ўрнак кўрсатган комсомолларга шу куни қаҳрамонлар ҳайкаллари ёнида фахрий қоровулликда туриш ишониб топширилди. Пионер дружиналарида қаҳрамон комсомолларнинг номини олиш ҳуқуқи учун отрядлар ўртасидаги мусобақа якунлари чиқарилди.

БУХОРО

29 март куни Бухоро районидаги «Правда» колхози аҳолисининг каттаданкичиги Зарафшон водийсида Советлар ҳокимиятини ўрнатиш учун олиб борилган жангларда ҳалок бўлган курашчилар ҳамда Улуғ Ватан уруши фронтларида ҳалок бўлган юртдошлар шарафига ёдгорлик ўрнатишда қатнашди.

Хўжалик меҳнаткашлари Хотира куни арафасида маҳаллий Советлар депутатларининг даъватига биноан қабристонларда катта ободончилик ишларини ўтказдилар, кўпгина дарахт кўчатларини ўтқаздилар. Мактаб ўқувчилари бу ерда Советлар ҳокимиятини ўрнатиш учун кураш даврида рўй берган воқеаларнинг шоҳидларини излашни бошлаб юбордилар. Биринчи қишлоқ агитаторлари, «Ҳужум» ҳаракатининг қатнашчилари, тўнғич колхозларнинг ташкилотчилари тўғрисида ҳикоя қилувчи янги ҳужжатлар топилди.

ГУЛИСТОН

Сирдарё области корхоналари ва қурилишларининг, колхоз ва совхозларининг меҳнат коллективлари жанговарларидан қайтиб келмаган юртдошлар хотирасига бағишланган зарбдор вахталар ўтказдилар.

Ёшларнинг партия, уруш ва меҳнат ветеранлари билан учрашувлари бўлиб ўтди. Область марказидаги «Ватан» кинотеатрида Армия сафига чақирилувчилар Улуғ Ватан урушинги қатнашчилари ва Афғонистонда хизматни ўтаган собиқ интернационал-жангчилар билан учрашдилар. Кекса авлод вакиллари ёшларга мурожаат этиб, ўз ҳарбий бурчларини муносиб адо этишга, Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борилган жангларда ҳаётини қурбон қилган кишиларнинг хотирасини муқаддас сақлашга чақирдилар. Область шаҳар ва қишлоқларида ҳалок бўлган жангчиларга ўрнатилган ҳайкаллар ёнида пионер ва ўқувчилар фахрий қоровулликда турдилар.

Қабристонларда гуллар қўйиш тантанали маросими бўлди, у ерларни ободонлаштириш учун кўп ишлар қилинди.

ҚАРШИ

Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган биринчи ўзбек қизи, номи тилларда достон Майна Ҳасанова ҳайкалининг пойи гулларга тўлиб кетди. Ғузор йигит-қизлари 20-йилларнинг жасур комсомоллари хотирасини шундай ҳурмат билан эсладилар.

Ғузорда Майна Ҳасанова хотирасига бағишланган хотин-қизлар енгил атлетика кросси ҳам бўлиб ўтди. Районнинг энг яхши спортчилари куч синашиш учун мусобақага чиқдилар. Ғолиблар шу жойларда бўладиган республика кроссида қатнашадилар.

М. Ҳасанова номидаги мактабнинг ёш изтопарлари бир дақиқа сукут сақлаб, унинг хотирасини ҳурмат билан эсладилар. Ўқувчилар қаҳрамоннинг 76-яшар ҳоласи — Фотима Йўлдошевани мактабга таклиф қилдилар. Болалар М. Ҳасанованинг ёшлиги, унинг революция даврининг қаҳрамонона йилларида қатнашгани тўғрисидаги қизиқарли ҳикояни тингладилар. Мактаб рассомлари Майна Ҳасановага бағишланган энг яхши ишлар кўрик-конкурсини ўтказдилар.

НАВОИЙ

Интернационал-ж а н г ч и Илья Лазарев ўқиган 6-мактабда ўтказилган тантанали линейкада навоийлик шоира Валентина Карая ёзган янги «Хотирот нури» достонидан парчалар ўқиб берилди. Илья бу мактабда актив комсомол эди, тенгдошларига ибрат кўрсатар, қурувчи бўлишни орзу қиларди. У етуклик аттестатини олгач, шаҳарнинг машҳур бинокори бўлмиш отасининг бригадасига ишлагани кирди. Йигитни Совет Армияси сафига чақиришди. У Афғонистонда муносиб хизмат қилиб, Апрель инқилоби душманларига қарши курашда дўст халққа ёрдам берди. Аскарликдан бўшашига атиги бир неча кун қолганида Илья қаҳрамонона ҳалок бўлди.

Эндиликда мактабнинг пионер дружинаси унинг номидадир. Бу ерда жасур комсомол хотирасига махсус стенд бағишланган. 29 март куни комсомоллар ва пионерлар шу стенд ёнида фахрий қоровулликда турдилар.

ФАРҒОНА

М. Горький номидаги маданият ва истироҳат боғида Хотира кунига бағишланган кўпкишилик митинг бўлиб ўтди. Фарғона водийсида Советлар ҳокимиятини ўрнатиш учун олиб борилган курашда ҳалок бўлган қизил аскарлар ёдгорлиги ёнида пионер ва комсомоллар фахрий қоровулликда турдилар.

Йиғилиш аҳли ҳалок бўлганлар хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб, ҳурмат билан эсга олди. Митингда сўзга чиққан партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, уруш ва меҳнат ветеранлари, ёшлар социализм ғояларининг тантанаси учун умрини бахшида этган юртдошлари, жанговар дўстлари ва ҳамкасб ўртоқлари тўғрисида ҳаяжон билан гапирдилар.

Шаҳарнинг «Ҳужум» ҳаракатини бошлаган аёллар — Тожихон Шодиева, Ҳожихон Худойбердиева, Сурмахон Шерматова, Ж. Нурматова номидаги кўчаларига шу куни ёдгорлик лавҳалари ўрнатилди.

* * *

Хотира кунига бағишланган тадбирларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлари қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг 30 март куни бўлиб ўтган сессиясида шаҳар хўжалигини қайта қуришни жадаллаштириш, меҳнат коллективларини ва шаҳар аҳолисини КПСС XXVII съезди қарорларини бажаришга ҳамда Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини муносиб кутиб олишга сафарбар этиш соҳасида Тошкент шаҳар Советининг депутатларининг вазифалари муҳокама қилинди.

Депутатлар бундан аввалги сессияларда айтилган таклифлар ва танқидий мулоҳазалар қандай рўёбга чиқарилаётганлиги тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқдилар. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ёнғинни ўчириш чоғида кўрсатган дадил ва қатъий ҳаракатлари учун қуйидагиларни СССР Олий Совети Президиуми номидан «Ёнғиндаги жасорат учун» медали билан мукофотлади:

Исломов Жўра Тўлаганович — Тошкент шаҳар ижроия комитети ички ишлар бошқармаси ёнғиндан сақлаш бошқармасининг 1-мустақил ҳарбийлаштирилган ўт ўчириш қисми қисмининг ўт ўчирувчиси.

Эшонқулов Арслон Абдуқодирович — Тошкент область ижроия комитети ички ишлар бошқармаси ёнғиндан сақлаш бўлимининг 6-мустақил ҳарбийлаштирилган ўт ўчириш қисми қоровулининг бошлиғи.

Пенти Виктор Дмитриевич — Тошкент область ижроия комитети ички ишлар бошқармаси ёнғиндан сақлаш бўлими 6-мустақил ҳарбийлаштирилган ўт ўчириш қисмининг бошлиғи.

Тожибоев Абдуҳамид Абдураҳимович — Тошкент шаҳар ижроия комитети ички ишлар бошқармаси ёнғиндан сақлаш бошқармасининг 1-мустақил ҳарбийлаштирилган ўт ўчириш қисми қоровулининг бошлиғи.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йил самарали ишлаганлиги ва темир йўлнинг йўл хўжалигини ривожлантиришга катта шахсий ҳисса қўшганлиги учун Ўрта Осиё темир йўли бошлиғининг ўринбосари, йўл хизмати бошлиғи ўртоқ Хожаҳмад Саидаҳмедович Мирзааҳмедовга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган транспорт ходими» фахрий унвони берди.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

НАВОИЙ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ:

— Ш. Шомуродов ва Ш. Холовлар аризаси асосида Хатирчи районидаги «Москва» колхозининг молия-хўжалик фаолияти текширилди. Ревизия якунлари хўжаликнинг сут-товар фермаси цех партия ташкилоти очиқ партия йиғилишида ва район агросаноат бирлашмаси Советида муҳокама қилинди.

Партия йиғилиши қарорига кўра, ишда камчиликларга йўл қўйганликлари, назорат ўрнатмаганликлари учун бош зоотехник М. Эшмоновга, сут-товар фермаси мудири А. Шодиевга қаттиқ виговор берилди. А. Шодиев вазифасидан бўшатилди.

Колхоз партия комитети ва правленнеси аниқланган нуқсонларни бартараф этиш юзасидан тадбирлар белгилади.

ЎЗБЕКИСТОН РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ:

—Ҳ. Пайғамовнинг шикоят хати атрофлича ўрганилди. Унда келтирилган фактлар тасдиқланди.

Шўрсув ғишт заводи партия ва касаба союз ташкилотларининг қўшма йиғилишида корхона директори фаолияти муҳокама қилинди. Директор К. Абдураҳмонов ишчилар ва ўрта бўғин мутахассисларга нисбатан қўполликка йўл қўйганлиги учун узр сўради. Йиғилишда у огоҳлантирилди.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ:

— Гражданин Н. Баназоровнинг Ҳамза район ички ишлар бўлими ходимлари устидан ёзган шикоят хати кўриб чиқилди. Унда баён этилган фактлар тасдиқланди.

Хизмат вазифасини виждонан бажармаганликлари учун Ҳамза район ички ишлар бўлими тергов бўлинмаси тергговчиси А. Будягинга, жиноят қидирув бўлими катта ходими Д. Кўрғонбоевга қаттиқ ҳайфсан берилди.

Район ички ишлар бўлими бошлиғи Д. Камолхўжаев, унинг ўринбосари В. Хайзанов, тергов бўлинмаси бошлиғи М. Рубиновлар қаттиқ огоҳлантирилдилар.

Шаҳар ички ишлар бошқармаси жиноятни очишни активлаштириш мақсадида оператив-тергов группаси ташкил этди.

ЖАРҚЎРҒОН РАЙОН АГРОСАНОАТ БИРЛАШМАСИ:

— «Сурхон» совхозида яшовчи М. Маманазаровнинг аризаси текширилди. Унинг натижалари 11-бригада ишчилари ўртасида муҳокама қилинди. Ишда хато ва камчиликларга йўл қўйганлиги учун Н. Қурбонов бригадирлик вазифасидан бўшатилди.

Совет Ўзбекистони 31 март 1987 й.

ТЕАТР ВА ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИ

Ўзбекистон театр арбоблари съездидан

Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон Театр арбоблари союзининг съезди қатнашчилари республикада саҳна санъатини ривожлантиришнинг долзарб проблемалари ва вазифаларини ишчанлик, принципиаллик ва талабчанлик билан муҳокама қилдилар.

Театр жамияти республика правлениеси президиуми раиси СССР халқ артисти Б. Р. Қориева қилган ҳисобот докладида делегатларнинг нутқларида театр ишини ташкил этишда ва уни мазмунли қилишда кўзга ташланган амалий ўзгаришлар ҳақида гапирдилар. Булар КПСС XXVII съезди қарорлари, партия олга сурган ҳамда мамлакатимизнинг ҳамма жойида авж олиб кетган жадаллаштириш, қайта қуриш концепцияси туфайли жамиятимиз турмушида юз берган революцион ўзгаришларнинг ифодасидир.

Сўнгги вақтда республиканинг саҳна санъати устаҳоналарида бир қанча постановкалар амалга оширилганлиги, улар томошабинлар эътиборини ўзига тортиб, уларнинг юксак баҳосига сазовор бўлганлиги таъкидлаб ўтилди. Булар орасида Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат академик Катта театрида саҳналаштирилган Вердининг «Отелло» операси Глазуновнинг «Раймонда» балети, Самарқанд опера ва балет театрида қўйилган Гунонинг «Фауст» операси, Гоголнинг Ҳамза номли ўзбек академик театри саҳналаштирган «Ревизор» комедияси, Қашқадарё область музикали драма театри Шатров асари асосида тайёрлаган «Революцион этюд» спектакли, Яшиннинг Огаҳий номли Хоразм область ўзбек музикали драма ва комедия театри саҳналаштирган «Йўлчи юлдуз» асари, Горький номли рус академик драма театрининг «Зинуля» спектакли ва бошқа асарлар бор.

Ҳамза номли ўзбек академик драма театрида, Навоий номли давлат академик Катта театрида, Горький номли рус академик театрида, Сурхондарё областининг Ўйғур номли ўзбек музикали драма театрида кичик саҳналарнинг очилганлиги Ўзбекистон театр ҳаётидаги ажойиб воқеалардан бири бўлди.

Бироқ деб таъкидлашди нотиқлар, театрларимиз ҳамон давр талабларидан орқада қолмоқда. Республика театр санъати ҳозирги кунда жамият турмушида юз бераётган жараёнларда: соғлом маънавий муҳитни шакллантиришда, демократлаштиришда, одамларни ғоявий ва эстетик жиҳатдан тарбиялашда янада активроқ иштирок этишга имкон берадиган потенциалга эгадир. Айниқса республикада яқин ўтмишда юз берган кўнгилсиз вазият саҳнада янада чуқур мушоҳада этишни талаб қилади. Бу хусусда театр арбоблари билан томошабинлар ўртасида ҳозирча жиддий гап бўлгани йўқ. Республика театр коллективлари партиянинг турмуш софлиги учун курашининг ҳозирги амалий жараёнлари, социализмнинг маънавий идеалларини қарор топтириш ва унинг чинакам қадриятлари мавзусининг бадиий жиҳатдан ишонарли ифодасини тақдим қилганларича йўқ.

Бир вақтлар ёркин истеъдодлар, новаторларча изланишлар ва саҳна янгиликлари билан шуҳрат қозонган режиссёрлар корпуси ўз позицияларини қўлдан чиқариб қўйди. Балетмейстер, саҳнани безовчи рассомлар, малакали администраторлар, бошқа касбдаги театр ходимлари етишмаслиги жуда сезилиб қолмоқда.

Театр арбоблари союзи, унинг секциялари чинакам саҳна санъатининг турли енгил-елпи асарлар билан алмаштирилишига қарши қатъий кураш олиб боришлари керак. Кўп театрларда спектакларнинг ўрнига концерт қўйиш практикаси иллиз отди. Стационар бинолар, томоша заллари бўш туради, артистлар эса юбилейларга ва бошқа тантаналарга «маданий хизмат кўрсатиш» билан банд бўладилар. Театр коллективлари маҳаллий партия ва совет органларининг йўл қўйиб бериши, баъзан рағбатлантириши сабабли, афсуски кўпинча партия томонидан қораланган «ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам планни бажариш керак» деган яроқсиз шиорга амал қилмоқдалар. Саҳналарда сифатсиз, «пул топар» спектакллар пайдо бўлаётганлигининг, баъзан эса репертуарларда бундай спектакллар кўплигининг сабаби ҳам ана шундадир. Театрга бундай коммерция, истеъмолчилик нуқтаи назаридан қараш-нинг ҳақиқий санъатга ҳеч қандай алоқаси йўқ, бундай қараш томошабинлар дидини бузади, одамларни маънавий ва эстетик жиҳатдан тарбиялаш ишига жиддий путур етказади.

Сўнгги йилларда ишчилар, зиёлиларнинг вакиллари орасида театрга қизиқиш сезиларли даражада камайганлиги тасодиф эмас. Социологларнинг маълумотларига қараганда, ишчилар, зиёлилар томошабинларнинг атиги 7—9 процентини ташкил этади. Область театрларида бундан ҳам кам. Тошкентдаги кўп театрлар, шу жумладан академик театрлар ҳам доимий томошабинлардан маҳрум бўлиб қолмоқдалар. Горький номли ва «Ёш гвардия» театрларигина бундан истисноднр. Бу театрларнинг раҳбарлари репертуар сиёсатини моҳирлик билан ва пухта ўтказмоқдалар. «Томошабин учун кураш»нинг илғор тажрибасини оммалаштириш, дейилди съездда, ижодий союз фаолиятининг муҳим соҳаси бўлмоғи керак.

Болалар ва ўсмирлар театрларида жуда кўп ижодий, ташкилий молиявий, социал-маиший проблемалар тўпланиб қолди. Съездда статистика маълумотлари келтириб ўтилди. Бу маълумотларга қараганда республикамиздаги ҳар бир мактаб ўқувчиси ёш томошабинлар театрида ёки қўғирчоқ театрида... 25 йилда тахминан бир марта спектакль кўрар экан. Ўртача рақамлар ана шундай бўлса, ёш авлод ўртасида жиддий тарбиявий самара тўғрисида қандай қилиб гапириш мумкин.

Делегатларнинг нутқларида область театрларининг аҳволи ғоят мураккаблиги айтиб ўтилди. Уларнинг кўпи зўрға кун кўрмоқда. Область театрлари фаолиятининг ҳозирги молиявий-иқтисодий ва ишлаб чиқариш жиҳатидан планлаштирилиши уларнинг ижодий вазифалари ва имкониятлари билан мутлақо боғланмаган. Бу эса коллективлар ичида носоғлом вазиятнинг вужудга келишига кўмаклашмоқда, турли сохта ҳисоботлар ва қўшиб ёзишларни келтириб чиқармоқда

Ҳар бир театр коллективи — жураккаб, ўзаро боғлиқ бўлган жонли организмдир. Бу организм янада самаралироқ ишлашга ёрдам берадиган чинакам ижодий ва юксак ахлоқий муҳитда яшаши ва ҳаракат қилиши жуда муҳимдир, деб таъкидланди нотиқлар.

Театрдаги асосий куч, спектаклдаги ижодий ғояларни ҳамда бадиий ечим ларни амалга оширувчи куч — актёрдир. У марказий фигура бўлишига қарамай, драматургга, режиссёрга, саҳначига жуда қарам бўлиб қолмоқда. Афсуски, айниқса область театрларида актёрлар труппаларининг аҳволи кўнгилдагидек эмас. Актёрларнинг ижодий ва маиший эҳтиёжларини қондиришга, чинакам актёрлик қобилиятига эга бўлган истеъдод эгаларини авайлаб тарбиялашга кам эътибор берилмоқда.

Кўпгина муаммоларни театр структурасининг ўзгини тубдан ўзгартириш йўли билангина ҳал этиш мумкин, деб таъкидланди нутқларда. Мамлакатда ўтказилаётган кенг миқёсли эксперимент театр ишини юксалтиришга қаратилган. Ижодий мустақиллик ва хўжалик соҳасидаги мустақиллик, юксак гражданлик масъулияти, пировард ғоявий-бадиий натижаларни кўзда тутиб ишлаш — театрларда амалга оширилаётган ислоҳотнинг асосий қирралари ана шулардан иборат. Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг сусткашлиги сабабли республика театр коллективлари ана шу экспериментдан четда қолганлиги учун таассуф билдирилди. Маданият органлари билан янги ижодий союз яқиндан ҳамкорлик қилиши театрларни демократлаштириш, уларнинг иши самарадорлигини ҳар томонлама ошириш, саҳна санъатини ташкил этишнинг илғор формаларини жорий этишга реал йўл очиб бериши таъкидланди.

Съездда сўзга чиққан СССР Театр арбоблари союзи правлениесининг раиси, СССР халқ артисти К. Ю. Лавров театр жамоатчилигининг Улуғ Октябрь 70 йиллигига тайёргарлиги вазифаларига тўхталди. Бу байрамни «санага» аталган спектакллар билан эмас, балки айни юксак бадиий ютуқлар билан нишонлаш лозим, деб таъкидлади у. Юксак пафос, одатдаги тантаналар майли бўлмасин, лекин энг муҳими — ҳозирги давр одами, унинг қувончлари ва ташвишлари, унинг ютуқлари ва хатолари, унинг кураши, ғалабалари ва мағлубияти тўғрисида жиддий, узоқ вақт кўрсатиладиган спектакллар бўлсин. Партиямиз бугун ҳаёт нормаси, деб эълон қилган юксак маънавий идеаллар театр арбоблари бутун ишининг байроғи бўлиб қолсин.

Ўзбекистон Театр арбоблари союзининг съездида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишчев нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

Кирилл ЛАВРОВ:

ОКТЯБРЬ—ҚУТЛУҒ МАВЗУ

СССР Театр арбоблари союзи правлениесининг раиси, СССР халқ артисти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати Кирилл ЛАВРОВ Тошкентда меҳмон бўлди, Ўзбекистон театр арбобларининг I съездида иштирок этди. Муҳбиримиз у билан учрашиб, қуйидаги интервьюни ёзиб олди.

— Аввало Улуғ Октябрнинг шонли 70 йиллиги арафасида барча ўзбекистонлик дўстларимни, ҳамкасбларимни, газета ўқувчиларини қизғин табриклаб, уларга ўзимнинг энг яхши тилакларимни изҳор этаман.

Тўғриси ўзбек театри ва унинг ижодкорларини унчалик яхши билмайман. Лекин бу саҳна санъатининг ўзига хослигидан, Маннон Уйғур, Етим Бобожонов, Аброр Ҳидоятов, Шукур Бурхонов, Сора Эшонтўраева, Ҳалима Носирова, Бернора Қориева каби моҳир режиссёр, актёр ва актрисаларнинг довруғидан хабардорман фахрланаман. Атоқли намояндаларнинг ижрочилиги, саҳнага бўлган садоқати, энг муҳими, меҳнатсеварлиги Москвада ҳам эътироф этилган ва олқишланган. Устозларнинг тажрибалари ва анъаналари ҳозирги актёр ва актрисалар учун маҳорат мактабидир.

Қайта қуриш жараёнида актив иштирок этишга аҳд қилган қардош дўстларим, ҳамкасбларим, хусусан, ёшлар ана шу ижод дорилфунунига ҳам мунтазам мурожаат қилиб туришларини истардим.

Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги тантаналари тобора яқинлашиб келмоқда. Унга муносиб совғалар тайёрлаш керак. Бу ерда, съездда қилинган ҳисобот докладидан, музокарада қатнашган ўртоқларнинг сўзларидан билдимки, Ўзбекистонда ҳам қутлуғ юбилейни муносиб нишонлаш учун қизғин иш кетаётган экан. Мен шу ўринда Октябрь ва унинг ғояларини тарғиб этувчи янги пьесалар асосида кўпроқ спектакллар саҳналаштирилишини истардим. Чунки, давр олга боргани сари, авлодлар кетидан авлодлар келавергани сари доҳий В. И. Ленинга ва Октябрга бўлган қизиқиш, муҳаббат кучая боради. Ҳали бу соҳада, яъни совет театри инқилобномасида кўп янги саҳифалар ёзилади. Ишончим комилки, ана шу октябрноманинг янги намуналари орасида ўзбекистонлик театр арбоблари яратган спектакллар ҳам кўплаб бўлади.

Кирилл Лаврова газета «Совет Ўзбекистони» с наилучшими пожеланиями в год 70-летия Великого Октября!

К. Лавров

СУРАТДА: Кирилл Лавров (ўртада) Ўзбекистон Театр арбоблари союзи I съезди делегатлари ва меҳмонлари даврасида. К. РОМЕЕВ фотоси.

Чет элларда

Совет делегациясининг Иорданияда бўлиши

АММОН, 30 март. (ТАСС). Бу ерга расмий визит билан келган СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси В. П. Орлов бошчилигидаги СССР Олий Совети делегациясини кеча Иордания Бош министри Зайд Ар-Рифои қабул қилди. Делегация составида СССР Олий Советининг депутатларидан Г. И. Еремей, С. А. Лосев ва А. Шарипов бор.

Дўстона суҳбат чоғида араб дунёсидаги аҳвол, бир қанча халқаро проблемалар, шунингдек Иордания билан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш истиқболлари тўғрисида батафсил фикр алмашув бўлди. З. Ар-Рифон мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлардан қониқиш ҳосил қилаётганлигини айтиб, бу муносабатлар янада ривожланиб бораверади, деб умид изҳор қилди. Ўртамизда ихтилофлар йўқ, деб таъкидлади у. Сиёсий масалалар хусусида мамлакатларимиз позициялари бир-бирига яқин ёки моҳият эътибори билан ҳамоҳангдир. Совет Иттифоқи араб халқларининг, шу жумладан Иордания халқининг адолатли ишини қўллаб-қувватлаётганлиги учун биз ундан миннатдормиз.

Совет делегациясининг раҳбари В. П. Орлов регионда масалаларни кенг қамровли, адолатли бартараф этишга эришиш Совет Иттифоқининг Яқин Шарқдаги сиёсатининг бош мақсади эканлигини таъкидлади.

Шу куниёқ Совет делегацияси Иордания миллат мажлиси депутатлар палатасининг раиси Оқиф Ал-Фаиз билан учрашди.

Совет парламенти делегацияси Фаластин қочоқларининг Аммон яқинидаги Бекаа лагерига борди. Иордания территориясида 13 та ана шундай лагерь бўлиб, уларда Исроил агрессияси сабабли ўз ватани ва хонадонидан маҳрум бўлган 150 мингдан кўпроқ фаластинлик қочоқ яшамоқда.

Уламоларнинг халқаро учрашуви

РАБОТ, 30 март. (ТАСС). Марокашдаги Фес шаҳрида имомлар ва жума намозларида ваъз айтадиган уламо - хатибларнинг 1-халқаро учрашуви якунланди. Бу анжуман ишида Совет Иттифоқи мусулмонларининг намояндалари — СССР Европа қисми ва Сибирь мусулмонлари диния бошқармасининг раиси, муфти Тожиддин Талъат ва Имом Обидов иштирок этдилар.

Учрашувда қабул қилинган резолюцияда Фаластин озодлик ташкилоти раҳбарлигида ўзининг мустақил давлатини тузиш ҳуқуқи билан биргаликда дахлсиз миллий ҳуқуқлари учун курашаётган Фаластин араб халқининг адолатли кураши қўллаб-қувватланиши изҳор этилган. Бу резолюцияда Исроил босқинчиларининг Қуддусдаги Ислом муқаддас зиёратгоҳларини яҳудийлаштириш кампанияси қораланади, тинчлик ва адолат ишининг қадрига етаётган барча мамлакатлар ва ташкилотларга мурожаат қилиниб, Эрон билан Ироқ ўртасидаги биродаркушлик урушини тўхтатиш йўлида куч-ғайратларни оширишга даъват этилади.

Учрашув қатнашчиларини Марокаш қироли Хасан II қабул қилди. У ислом арбобларига мурожаат қилиб, ҳозирги замонинг энг муҳим проблемаларига масъулият билан ёндашишга, инсоният бошидаги ядро хавфига қарши курашда ягона позицияда туришга, очарчилик, қашшоқлик ва гиёҳвандликка қарши курашга ёрдам беришга даъват этди.

БУТУНИТТИФОҚ КЕНГАШИ МАТЕРИАЛЛАРИ

«КПСС XXVII съезди ва ижтимоий фанлар кафедраларининг вазифалари» китоби нашрдан чиқди. 1986 йил 1-3 октябрь кунлари Москвада бўлиб ўтган олий ўқув юртлари ижтимоий фанлар кафедралари мудирлари Бутуниттифоқ кенгашининг материаллари ундан ўрин олган.

Китоб материаллари КПСС XXVII съезди қарорларидан келиб чиқадиган совет жамиятининг сифат жиҳатидан янги ҳолатига эришиш йўлларини амалга ошириш шароитида ижтимоий фанлар кафедралари фаолиятларини қайта қуришнинг асосий йўналишларини баён қилиб беради. Уларда ғоявий-назарий ишларни активлаштириш, ўқитиш сифатини тубдан яхшилаш, ёшлар тарбияси савиясини ошириш борасида илмий педагогика коллективлари олдида турган вазифалар батафсил тасвирлаб берилади. Китобга М. С. Горбачев нутқининг тексти ва бошқа материаллар киритилган.

Китоб Сиёсий адабиёт нашриёти томонидан чиқарилган. (ТАСС).

• *Пудрат усулига кенг йўл*

НАФ ҲАМ КАТТА, САМАРА ҲАМ...

— Мен даладаги ишларимни тугатиб келиб, кечки таом пиширишга уриняпман. Масаллиқни қозонга солиб, сигирни соғиб олсам, бугунги «нормам» бажарилади,— кулиб сўз бошлади Хоразм область Янгибозор районидаги «Москва» колхозининг бригадаси аъзоси Ойхон Раҳимова. — Мусобақадошим ҳали далада, шўр ювяпти...

— Ойхоннинг мусобақадоши — ўзининг турмуш ўртоғи, колхозимизнинг илғор механизатори Болта Эшимов бўлади, —сўзга аралашди хўжалик партия ташкилотининг секретари Бекпўлат Рўзимов. — Ҳар иккиси ҳам коммунист, ҳар иккиси ҳам пешқадам.

— Эшимовлар бундан уч йил аввал уч киши бўлиб (эр—хотин ва қизлари Норпошша) колхозда оила пудрати асосида ишлаш ташаббусини бошлаб беришганди, —дея бизни уларнинг ўтган йилги иш натижалари билан таништирди колхоз бош бухгалтери Очилбой Ўразметов. — Оила колхоз правленнеси билан пудратчи ўртасида тузилган меҳнат шартномасига кўра 10 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан— жами 35 тонна пахта етиштириши ва хўжаликка 31 минг 431 сўм даромад келтириши керак эди. Улар эса ҳосилдорликни гектар бошига 46,1 центнерга етказдилар. Маълумки, тузилган меҳнат шартномасига мувофиқ, пландан ортиқча (белгиланган иш ҳақига қўшимча) даромаднинг 30 процентини пудратчи оиланинг ўзи олиши керак. Шунга кўра, йил охирида Эшимовлар ишнинг пировард натижасига қараб 10 минг 910 сўм пул олди. Ёхуд оиладаги ҳар бир кишининг ўртача ойлик маоши 303 сўмга тўғри келди.

— Бу йилги режаларингиз қандай — сўраймиз оила бошлиғи Б. Эшимовдан:

— Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига ҳар гектар майдондан 45 центнердан «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олганмиз,— жавоб қилди у.

Ҳа, колхозда сўнгги йиллар ичида пудратчи оилалар сони тобора кўпайиб бормоқда. Биргина пахтачиликнинг ўзида ўтган йили улар 100 тага кўпайиб, жами 252 тага етди.

Хўш, оила пудрати асосида ишлаш хўжаликка қандай наф келтирмоқда, унинг иж-тимоий самараси қандай?

Яна бухгалтерия ҳисобкитобларига мурожаат қиламиз. Колхозда 1982 йилда (унда ҳали пудрат иши йўлга қўйилмаган эди) пахтачиликдан олинган даромад 1 миллион 644 минг сўмни ташкил этганди. Шундан 1 миллион 114 минг сўми колхозчиларга меҳнат ҳақи сифатида тўланди. 1986 йилда эса пудрат усулига ўтилгач, 2 миллион 406 минг сўм даромад олинди. 1982 йилда четдан келган ҳашарчиларга 301 минг сўм тўланган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 196 минг сўмга камайди. Агар бу рақамлар яна бундан беш йил олдинги кўрсаткичлар билан таққосланадиган бўлса, пудратнинг афзаллиги очиқ-равшан намоён бўлади-қўяди. Масалан: 1982 йилда колхозда 121 киши меҳнат минимуми нормасини бажармаган эди. Ўтган йили эса бу ерда барча ишга яроқли кишилар меҳнат минимуми нормасини тўла бажаришга эришдилар. Буларнинг ҳаммаси пудрат усулининг ҳам нафли, ҳам самарали эканлигидан ёрқин далолатдир.

Шунинг учун ҳам коллектив пудрат усули бугунги кунда область хўжаликларида кенг ёйиляпти. Хонқа районидаги «Правда», Охунбобоев номли колхозларда эндиликда пудратчи коллективлар тобора кўпайиб бормоқда.

Айни пайтда айрим эътирозларимиз ҳам йўқ эмас. Масалан, юқорида ҳикоя қилган илғор хўжалигимиз —Янгибозордаги «Москва» колхозини олинг. Бу ерда биз колхознинг оила пудрати учун тузилган меҳнат шартномаси билан танишдик. Унда хўжалик билан пудратчи ўртасидаги мажбуриятлар адо этилмаса ёки пудратчининг айби билан агротехника тадбирлари вақтида ўтказилмаса, оқибатда, белгиланган планлар бажарилмай қолса —пудратчи йил охирида қўшимча иш ҳақи ололмаслиги аниқ кўрсатилган. Аммо пудратчилар колхоз правленнеси томонидан белгиланган миқдордаги ўғит ва техника билан таъминланмаса, бунга хўжалик раҳбарларининг жавобгарлиги кўрсатилмаган.

Агар шундай камчиликлар ҳам барҳам топганда эди, шубҳасиз, область хўжаликларида оилавий пудратчининг ишлари янада сербарака, самарали бўларди.

И. МАНСУРОВ,
Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитетининг етакчи мутахассиси.

• *Моддий ресурслардан оқилона фойдаланайлик!*

ОЛДИНГДАН ОҚҚАН СУВНИНГ ҚАДРИ БЎЛСИН

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ИҚТИСОДИЙ ХАРИТАСИ ОЛДИДАГИ ЎЙЛАР

Қорақалпоқ диёрининг ўтмиши ва бугунги кунига назар ташлар эканмиз, тарихан қисқа муддат ичида эришилган ютуқлар ҳайратлантирмай қолмайди. Дарҳақиқат, Автоном республика қолоқликдан ривожланган аграр-саноат ўлкасига айланди. Бу ерда энергетика, металлга ишлов бериш, пахта тозалаш, озиқ-овқат ва енгил саноат тармоқлари ривожланди. Қурилиш материаллари ва конструкциялари ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши билан бир пайтда кейинги йилларда янги — тўқимачилик саноати юксала бошлади. Буларнинг ҳаммаси Автоном республиканинг Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги комплексидаги иқтисодий аҳамияти салмоқли эканлигини кўрсатиб турибди.

Кейинги беш йилликларда пахтачилик, чорвачилик, шоличилик ҳамда қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари тез ривожланди. Бу эса Автоном республика меҳнаткашлари мамлакат озиқ-овқат Программасини амалга ошириш ишига салмоқлироқ ҳисса қўшишлари учун йўл очиб берди.

Ҳар қандай давлат ёки ўлканинг куч-қудрати, иқтисодий ривожланиш суръати ҳамда юксалиши унинг ер ости қазилма бойликларига ҳам боғлиқ эканлиги сир эмас. Айнан ана шундай конлар очилиши биланоқ регионда йирик саноат районлари, комплекслари пайдо бўлади. Айрим ҳолларда у саноатнинг етакчи тармоғига айланади, шу территориянинг ривожига сабабчи бўлади.

Афсуски, ҳозирга қадар Қорақалпоғистон автоном республикасида рудали конлар аниқланмаган. Бу, албатта, республика территориясида шундай қазилма бойликлари мутлақо йўқ деган гап эмас. Қорақалпоғистон АССР табиий-геологик жойлашувига кўра бошқа регионлардан ажралиб туради. Султон Увайс тоғлари рудали ва норуда қазилмаларга Урал ҳамда Тянь-Шань тоғларини бирлаштириб турувчи «тугунча»дир. Лекин бу тахминга геологларимизнинг эртанги кунги изланишлари аниқлик киритади, деб ҳисоблайман. Ҳозирги кунда эса Автоном республикада очилган норуда қазилмаларга эътиборни оширишдан муҳимроқ иш йўқ.

Маълумки, табиатда учрайдиган 100 дан ортиқ норуда материаллар саноат ва қишлоқ хўжалигининг мингдан ортиқ соҳаларида ишлатилиши мумкин. Норуда қазилмаларни комплекс минерал хом ашё деб аташлари бойси ҳам шунда. Қорақалпоғистон ерлари эса норуда фойдали қазилмаларга бой геологик региондир. Унинг бағрида турли-туман гиллар, оҳак тошлар, магматик тоғ жинслари, ҳатто фосфорит ва глауконитлар ҳам бор. Айни пайтда қазиб олинаётган ва келгусида ўзлаштирилиши мумкин бўлган норуда фойдали қазилмаларни ўрганишда, уларнинг запасларини белгилашда Ўзбекистон ССР Геология министрлиги қошидаги «Ташкентгеология» бирлашмасининг «Химгеолнеруд» экспедицияси катта ишларни қилди.

Бу норуда қазилмалар нималар ва уларнинг халқ хўжалиги учун аҳамияти қандай, деган ўринли савол туғилиши мумкин. Уларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида изоҳ бериш анча мушкул иш. Лекин айримлари хусусида тўхталиб ўтиш мумкин.

Гилмоялар фанда бетонит деб аталади. Бу гиллар Автоном республика ер бағрида кенг тарқалган норуда минерал хом ашёдир. Қизиғи шундаки, рудали конлари бўлмаган бир диёр учун улар гўё табиат инъомига ўхшаб кўринади. Бу гиллар Султон Увайс ёнбағирларидан бошлаб — Бештепа, Хўжакўл-Мўйноқ, Белтоғгача ва ҳатто Шарқий Чинккача бориб етади. Қалинлиги 50—150 метр чамасида, ер сатҳига яқин жойлашган. Кейинги 20—25 йил давомида олиб борилган илмий-текшириш ва геологик разведка ишлари қазилма запаслари бетон тайёрлаш жараёнида ишлатиладиган енгил ва мустаҳкам тўлдиргич — керамзит ишлаб чиқаришда, дренаж сопол қувурларини ясашда, нефть, ўсимлик ёғларини тозалашда, чорва молларига озуқа, ер пармалаш учун суюқ лойқа-эритма тайёрлашда, ўғит, қурилиш ғиштларининг мустаҳкамлигини оширишда каолин гиллари сифатида қўл келади. Шундай экан, беқиёс запасларга эга ва ишлатилиш соҳаси кенг бўлган гилмоялар бўйича Қорақалпоғистонда қандай ишлар амалга оширилди?

Ҳозир бир оз бўлса ҳам, иш жонлана бошлади. Бундан 10 йил муқаддам ҳар томонлама ўрганилган ва запаслари аниқланган Бештепа гилмояси асосида Нукус шаҳрида 1986 йилда керамзит заводи қурила бошланди. Лекин корхона қурилиши сусткашлик билан олиб борилмоқда. Худди шундай хом ашё билан ишлайдиган Чимбой керамзит заводи қурилиши эса ҳанузгача бошланганги йўқ. Умуман олганда, қилинган ҳисоб-китобларга кўра ҳар икки завод истиқболли ҳисобланиб, улар қурилишига сарфланган харажатлар 5—7 йилда қопланади.

Гилмоянинг кенг кўламли хоссаларидан тўлароқ фойдаланиш учун уни ун ҳолатига келтирадиган завод қуриш зарурлиги ҳақида кўп баҳс бўлди. У қўлланадиган тармоқ ходимлари гилмояни ун ҳолатида қоғоз қопларда юборишни талаб қиладилар. Шунга кўра Грузия ССР Махарадзе бетон порошоклари заводи каби завод ҚҚАССРда ҳам қурилса, сарф-харажатлар икки йил давомида қопланиши аллақачонлар исботлаб берилган. Майдаланган гилмоя унидан қишлоқ хўжалигида пахта ва шоли ҳосилдорлигини оширишда, сув фильтрациясига қарши восита сифатида, парранда ҳамда чорва молларини семиртиришда ва соғломлаштиришда фойдаланиш мумкинлигини ҳисобга олсак бу қанчалик зарур эканлиги янада ойдинлашади.

Тузлар халқ хўжалигининг 1500 соҳасида ишлатилиши мумкин бўлган минерал хомашёдир. Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, инсон тузсиз яшай олмайди. Чунки ош тузи таркибидаги натрий қоннинг ивиб қолишига қаршилик кўрсатадиган асосий элементдир. Ҳаёт учун зарур ва ишлатилиш соҳалари кенг бўлган турли тузлар Қорақалпоғистон ер бағрида кенг тарқалган ва нисбатан яхши ўрганилган. Уларнинг запаслари миллиард тонналарни ташкил этиши исботланган. Шунинг учун ҳам улар асосида химия саноатининг айрим тармоқларини шу ўлкада ривожлантириш мумкин.

Ҳозирги кунда Автоном республикада 6 та туз кони нисбатан яхши текширилган ва запаслари аниқланган.

Келгусида Жанубий Ўзбекистондаги Тепатўтон калий-хлор тузи билан Оққалъа натрий сульфати асосида калий-сульфатли ўғит олиш мумкинлиги аниқланган. Бу ўз навбатида Ўрта Осиё пахтазор ерлари хлорли ўғитларни ёқтирмаган бир пайтда хлорсиз калий ўғитлари олиш ва улардан фойдаланишга йўл очиб беради. Бундан ташқари, Борсакелмас шифобахш балчиқлари ҳисобига қанчадан-қанча санаторийлар очиш мумкинлигини асло эсдан чиқармаслик керак. Олдимиздан оққан сув қадрсиз бўлиб қолавермасин. Ахир айрим мамлакатларда бундай шифобахш балчиқлар четдан сотиб олиниши ҳам ҳеч кимга сир эмас-ку!

Яна бир мулоҳаза.

Қорақалпоғистон тупроғи шўрҳок бўлганлиги учун ундан тайёрланган ғиштлар сифатсиз чиқади, қурилиш талабларига жавоб бермайди. Шу пайтгача Автоном республикада тайёрланаётган бинокорлик материаллари учун ҳатто тупроқ ҳам четдан келтирилишининг сабаби шунда. Лекин ТошПИ олимлари Л. Ботвина ва Н. Нормуҳамедовлар билан 1965 йилдаёқ илмий жиҳатдан асослаб берган янгиликларимиз ҳамон амалий ифодасини топмагани кишини ранжитади. Ваҳолонки, маҳаллий тупроққа 10—20 процент гилмоя қўшилса, ғиштлар сифати жуда пишиқ бўлиши ўша даврдаёқ исботланган эди. Афсуски, биз геологларнинг бу таклифларидан фойдаланишдан кўра, ҳанузгача четдан тупроқ ташиш маъқул, деб топилаётганини сира тушуниб бўлмайди.

Биз Қорақалпоғистон экономикасини янада ривожлантиришда муҳим омил бўла оладиган айрим норуда қазилма бойликлар хусусидагина тўхталдик, холос. Лекин бу истиқболли ҳам ашёлар тез орада саноатда ўз ўрнини топади, деб умид қилишга асос бор. Зеро КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Қорақалпоғистон АССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорида ҳам шу фикрлар илгари сурилган. Айни пайтда қарорда биз, геологлар олдига ҳам аниқ вазифалар қўйилди. Жумладан, ўн иккинчи беш йилликда нефть ва газ, рангли ва нодир металлар конларини излаш ишларини бошлаб юбориш ҳақида қарорда аниқ кўрсатиб ўтилди.

Биз, геологлар бу ишларни бажаришга бажонидил киришдик. Айни пайтда партия ва ҳукуматимизнинг ана шу кўрсатмаси туфайли Қорақалпоғистон автоном республикаси геологик харитасида янги-янги конлар пайдо бўлса ажаб эмас.

М. ЗОКИРОВ,
геология-минералогия фанлари доктори.

● ТИНЧЛИК ВАХТАСИДА

ДАЪВАТ

«Ташсельмаш» заводида Тинчлик меҳнат вахтаси ўтказилди. Унда корхонанинг юзлаб ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари иштирок этишди. В. Смислов бошлиқ станокчи комсомол-ёшлар бригадаси ишдаги ўртоқларига КПСС ва Совет давлатининг тинчликсеварлик йўлини амалий иш билан қўллаб-қувватлаш — бир кунлик иш ҳақини Совет Тинчлик фондига ўтказиш тўғрисида даъват билан мурожаат қилишди.

Ёшларнинг ташаббуси бошқа бригадаларнинг коллективларида ҳам қизғин маъқулланди. Тинчлик вахтаси ўтказиш бўйича махсус штаб тузилиб, участка, цехларнинг коллективлари учун иш ҳажми белгилаб берилди. Шу куни кўпгина машинасозлар оширилган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажардилар. Юз минг сўмлик товар маҳсулот ишлаб чиқарилди. Совет Тинчлик фондига беш минг сўм ўтказилди. Бундан ташқари, ташсельмашчилар завод территориясини ободонлаштирдилар, завод спорт комплексини тартибга келтирдилар. (ЎзТАГ).

ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАСИ

Избоскан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозида илғор сут соғувчилар кўп. Аммо хўжаликда Муҳаррам Сулаймонованнинг номи алоҳида ҳурмат билан тилга олинади. Муҳаррам — ёш коммунист Қурбонали Раҳмонов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадасининг энг ишчан аъзоларидан бири. Ундан «ҳозирги ёшларнинг ишлаб чиқаришда, шу жумладан чорвачиликда ишни қайта қуриш орқали жадал ривожланишга эришишдаги ролини нимада кўрасиз», деб сўрасангиз, «Изланиш, интилиш ва эришилган ютуқлардан қониқмасликда», деб жавоб беради. М. Сулаймонованнинг фермада ишлаётганига унча кўп бўлгани йўқ. Аммо ёш сут соғувчи эришилган натижалардан қониқмай, янада юксак марраларни кўзлаб, ҳалол, виждонан тер тўкиши туфайли йил сайин говмишларнинг маҳсулдорлигини ошириб бормоқда. Ўтган йили 22 бош соғин сигирнинг ҳар биридан ўртача 4305 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олган пешқадам чорвадор юбилей йилида бу кўрсаткични 4500 килограммга етказиш мажбуриятини олган.

Яқинда область комсомоллари Муҳаррам Сулаймонованни ВЛКСМнинг XX съездига делегат қилиб сайладилар.

СУРАТДА: илғор сут соғувчи, ВЛКСМ XX съезди делегати М. Сулаймонова. А. ЕҚУБОВ фотоси.

29 МАРТДА РЕСПУБЛИКАМИЗДА КУЧАТ ЎТКАЗИШ ВА КУКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ЯКШАНБАЛИК ЎТКАЗИЛДИ. ЎЗБЕКИСТОН ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ЖАМИЯТИНИНГ РЕСПУБЛИКА БАРЧА АҲОЛИСИГА МУРОЖААТНОМАСИГА АМАЛИЙ ИШЛАРИ БИЛАН ЖАВОБ БЕРГАН КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРНИНГ МЕҲНАТКАШЛАРИ, ШАҲАР ВА ПОСЕЛКАЛАРНИНГ АҲОЛИСИ, ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИНГ КОЛЛЕКТИВЛАРИ, МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ КУЧАЛАР ВА МАЙДОНЛАРНИ КУКАЛАМЗОРЛАШТИРИШДА, ЯНГИ БОҒЛАР, ПАРКЛАР ҲАМДА ХИЁБОНЛАРНИ БАРПО ЭТИШДА АКТИВ ИШТИРОК ЭТИШДИ.

ХАВФ-ХАТАРНИ ЕНГИБ

Ўшанда кун пешиндан оқканди. Ўркач-ўркач тизма тоғларга туташиб кетган Мингдара қир-адирликлари томонидан салқин шабада эса бошлади. Бир зумда зангори осмон юзини қоп-қора булут қоплади. Боягина чарақлаб турган қуёш ҳам кўринмай қолди. Ёмғир томчилади. Кўп ўтмай шовуллаб қуя бошлади. Атрофдаги сойлардан шовқин солиб келаётган сув эндигина қурилаётган Қалқама ҳавзасига қуйиларди. Сув омбори сатҳида обиҳаёт борган сари кўтарилар, ёғингарчилик тўхтамаса хавф-хатар содир бўлиши мумкин эди.

Қалқама сув омборидан бир неча метр пастликда чуқур сойликлар ичида Чироқчи районидаги Ильич номли совхознинг чорвачилик фермаси, Қўрғонтепа, Оқчова, Чамбил, Довтош, Галабек, Большевик, Уйшин каби кўплаб қишлоқлар жойлашган. Фавқулодда ҳодиса рўй бергудай бўлса бутун бошли қишлоқлар сув остида қолиб кетиши турган гап. Ёмғир эса бўрган сари авж олар, унинг тўхташи ҳақида метереологлар ижобий гап айтишмасди.

Қалқама сув омбори ҳали тўла қуриб битказилган эмас. Тўғон яхшилаб дамбаланмаган. «Узбекгидроводхоз» лойиҳалаш институтининг лойиҳаси асосида 1985 йилдан бери қурилаётган мазкур сув омборида ҳали анчагина камчиликлар бор. Бу ишга мутасадди бўлган «Эскиангарканалстрой» трести сўнгги юмушларни ниҳоясига етказишга улгурмаган. 9,5 миллион кубометр ситимли иншоотда сойлардан келаётган ёмғир суви ҳисобига 70 процент сув тўпланиб қолганди. Ёмғир зўраяр, сув сатҳи соатига 1,5 метр баландликка кўтарилади. Секундига 10 кубометр сув чиқаришга мўлжалланган «дарвоза»ни очиб қўйиш ҳам фойда бермади. Тўғоннинг заиф ҳисобланган жойи чўкиб, ундан сув сизиб чиқа бошлади.

Ташвишли хабар тезда область партия, совет ташкилоти раҳбарларига, сув хўжалиги органларига хабар қилинди. Уларнинг ёрдамида зудлик билан Тошкентдан лойиҳанинг бош инженери А. А. Ермоличев чақирилди. Вазият анча мушкул, вақтни бой бермай фавқулодда чора кўрилмаса ҳадемай тўғонни сув емириб кетиши мумкин эди.

Область партия комитети зудлик билан хавф-хатарнинг олдини олиш бўйича махсус штаб ташкил этди. Жойларда навбатчиликлар йўлга қўйилди. Кенжа Жуманов бошлиқ Чироқчи район алоқа бўлими ходимлари қор-ёмғир шароитида 5 соат ичида 6 километр масофага сим тортиб Қарши шаҳри билан район маркази ўртасида тўғридан тўғри алоқа ўрнатдилар. Одамларни хавфсиз зонага кўчириш уюштирилди. Бу иш билан И. М. Дакофолсов бошлиқ область граждан мудофааси штаби, маъмурий органлар ходимлари шуғулландилар. Ҳамма ерда миш-мишларга барҳам берилиб, шовқин-суронсиз, тартиб билан аҳолини вақтинчалик хавфсиз зонага ташиш ишкил этилди. Бир суткада 13750 аҳоли юқори қишлоқларга мол-ҳоли билан кўчирилди. Колхознинг чорва моллари ҳам хавфдан йироқлаштирилди.

СОВЕТ КИШИЛАРИНИНГ ФИДОЙИЛИГИ ВА ЖАСОРАТИ ТУФАЙЛИ ЮЗ БЕРИШИ МУМКИН БЎЛГАН ҲАЛОКАТНИНГ ОЛДИ ОЛИНДИ.

Рўй берадиган табиий офатнинг олдини олиш учун «Эскиангарканалстрой» трестининг Чироқчи, Шаҳрисабз, Яккабоғ механизациялашган кўчма колоннаси, «Хисоракгидрострой» бошқармаси бунёдкорлари ўз машина-механизмлари билан хўжалик ҳисобидаги 12-, 27-автокорхоналар, область автотрестига қарашли 35- ва 105-автобазаларнинг ҳайдовчилари ёрдамга етиб келишди. Маҳаллий аҳоли оёққа турди. Совхоз партия комитети секретари О. Гадоев, Қалқама қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси Ю. Мейлиев раҳбарлигида коммунист ва комсомоллар, меҳнат ва Улуғ Ватан уруши ветеранлари, маҳаллий Совет депутатлари белкурак ва кетмон билан авария содир бўлаётган тўғон бўйига келиб иш бошладилар. Кишилар ўзларининг энг яхши фазилатларини намоён этишди. Одамлар уч кеча-кундуз ухламасдан меҳнат қилишди.

Сув емира бошлаган жойга 10 метр кенглик ва 4 метр қалинликда минглаб қоп тупроқ ётқизилди. Секундига 45—50 кубометр сув чиқарадиган авария канали барпо этилди. 18 метр узунликда кўприк қурилди, 30 минг кубометр тупроқ чиқарилди. 200 кубометр бетон ётқизилди. Шунингдек тўғондаги хавфли жойга 20 минг кубометрдан зиёд майда шағал ётқизилди. Қисқа вақтда қарийб 300 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Якдиллик билан қилинган мардонавор меҳнат, инсон иродаси ва куч-қуввати ҳар қандай офатдан устун келишини кўрсатди. «Эскиангарканалстрой» трестининг Шаҳрисабз механизациялашган кўчма колоннаси экскаваторчилари Н. Саноев, Н. Каророматов, Т. Жўраев, бульдозерчи У. Маликов, Яккабоғ механизациялашган кўчма колоннаси экскаваторчиси Р. Ўроқов, «Хисаракгидрострой» бошқармасидан участка механиги Г. Лошанов, шофёр Р. Жумаев, бульдозерчи Ф. Шомуродов, Ю. Холов, 35-автобаза, 12-хўжалик ҳисобидаги автокорхона шофёрлари С. Худойназаров ва М. Даминов кабилар тўғонни мустаҳкамлашда алоҳида жасорат кўрсатдилар.

Маҳаллий аҳоли ҳам иншооат бунёдкорлари билан бир ёқадан бош чиқариб, елкама-елка туриб меҳнат қилаётир. Оқчова, Мангит, Галабек, Хонтепа, Қўрғонтепа, Чамбил қишлоқларидан юздан ортиқ киши кўнгилли равишда сув омборига келиб қурувчиларга яқиндан ёрдам бермоқдалар. Айниқса совхознинг Т. Суяров бошқарувчи бўлган 1-бўлими коммунистлари Ж. Қодиров, Я. Шовриқов ва У. Алиқулов бошлиқ бригадаларнинг аъзолари тупроқ чиқариш ва бетонлаш ишларида ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Сув омборида юз бериши мумкин бўлган ҳалокатнинг олдини олишда коммунист, меҳнат ветерани С. Бозоров, Улуғ Ватан уруши ветерани А. Шомуродов, Т. Жўраев, Р. Ризоқулов, Пушкин номли ўрта мактаб ўқитувчилари ва юқори синф ўқувчилари ҳам табиат қийинчиликларига юзма-юз туриб, мардлик ва матонат синовидан ўтдилар.

Ҳозир ҳалокатнинг олди бутунлай олинмоқда. Қудратли бульдозер ва экскаваторларнинг овози бир зум ҳам тинмайди. Пешма-пеш тупроқ ва шағал ташиётган автомашиналарнинг кети узилмайди. Қалб амри билан ёрдамга келиш истагини билдираётганлар сафи эса кенгайиб бормоқда. Штаб актив фаолият кўрсатаётир. Ғамхўрликдан миннатдор аҳоли осойишта ҳаёт кечирмоқда.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

НИҲОЛЛАР БЕХАТО КЎКАРСИН

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон ССРда ҳар йили ўрмонлар ва боғлар барпо этиш икки ойлигини ўтказиш тўғрисида»ги қарорида яшил зоналарни кенгайтириш, ўрмонлар барпо этиш, шаҳарлар, бошқа аҳоли пунктларини кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш — республикамизнинг иссиқ ва қуруқ иқлимий шароитида атроф-муҳитни соғломлаштириш, ерларнинг унумдорлигини ошириш, одамлар турмуш шароитини яхшилашнинг энг ишончли йўли эканлиги жуда тўғри таъкидлаб ўтилган.

Республикамизда кўкаламзорлаштириш ишлари қизғин олиб бориляпти. Бу хайрли ишда катталар ҳам, ўқувчи ёшлар ҳам актив қатнашяпти. Ўзбекистонда ҳар йили 100 миллиондан зиёд турли хил кўчатлар ўтказилади. Ўтган йил кузи ва бу йил баҳор ойларида 108 миллион дона турли хил кўчатлар, шу жумладан 62 миллион дона тут кўчатлари ўтказиш планлаштирилган. 25 миллионга яқин ҳар хил мева ва ток кўчатлари экилади. Режалар улкан. Уларнинг ошириб бажарилишига шубҳа йўқ. Аммо эканлиги ниҳолларни тўла кўкартириб олиш ва сақлаб қолиш ҳамон муаммо бўлиб қолмоқда.

Табиатни муҳофаза қилиш республика жамияти маълумотларига кўра, ўрмон ва боғлар барпо этиш икки ойлигида иштирок этаётган 40 та ташкилотдан атиги 5 тасигина кўчатларни тутиб кетиши ва сақланиб қолишини ҳисоб-китоб қилиб боради. Қолганлари эса мавсумни ўтказадилар-у «шу билан иш тамом», деб хотиржам юраверадилар.

Кейинги йилларда мевали кўчатлар экиш керакми ёки манзарали ниҳолними? —деган баҳслар бўлмоқда. Менимча бу масалани мутахассислар ҳар бир жойнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ҳал этмоқлари даркор. Ҳар бир ўсимлик маълум бир вазифани бажаради, ахир. Ободонлаштириш ишларида эришиладиган пировард натижадан келиб чиқсак, мақсадга мувофиқ иш тутган бўламиз.

Хилма-хил кўчатларни экиш ҳам ҳозирча яхши йўлга қўйилган эмас. Республикада экилаётган ниҳолларнинг асосий қисмини тут ва қайрағоч ташкил этади. Шаҳарлар, аҳоли пунктларида кўп йиллик манзарали дарахтлар — дуб, каштан, заранг, мажнунтол ва чиройли гуллайдиган буталар кам экилмоқда. Шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг гўзаллиги улар бағрида ўсаётган дарахт ҳамда буталарнинг ранг-баранглигига боғлиқ-ку, ахир! Бундай ниҳолларни оммавий равишда кўпайтириш учун Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига қарашли Ботаника боғидан олиш мумкин. Бу [illegible] да шаҳарларни [illegible] лаштириш [illegible] коллекц[illegible]

Тоғ[illegible]даги аҳвол секин бўлсада, яхшиланмоқда. Аммо область ва район шаҳарларида ўзгариш сезилмаётир. Уларда асосан терак, қайрағоч, чинор, қора арча экилаётир.

Аҳволни ўнглаш учун катта иш қилиш, шу жумладан аҳолининг умумий маданиятини ошириш ва кўкаламзорлаштиришнинг юзага келган анъаналарини ўзгартириш лозим. Бу масалада мутахассислар — ўрмончилар, кўкаламзорлаштирувчилар, декораторлар ўз сўзларини айтишлари даркор.

Шу ўринда Термиз районидаги М. Горький номли 6-мактаб биология ўқитувчиси, табиатни муҳофаза қилиш бошланғич ташкилоти раиси Х. Оллобердиев яшил бойликни кўпайтиришга катта ҳисса қўшиб келаётганини таъкидлаб ўтишни истардим. Х. Оллобердиев табиатни севади ва ўз ўқувчиларида ҳам табиатга меҳр уйғота олди. Мактаб территориясидаги қарағайзор худди яшил тайгани эслатади. Мактаб ўз питомнигига эга. Бу ерда ўқувчилар кучи билан йилига 25 минг туп қарағай кўчатлари етиштирилмоқда. Менимча бошқа мактабларда ҳам ишни шундай ташкил этиш керак. «Яшил дўстлар» билан иноқлашган ҳеч бир бола ниҳолларни синдирмайди, гулларни топтамайди.

Ҳозир кўчат экиш бўйича ўтказилган қарийб бир ойлик ишларга якун ясалмоқда. Фарғона, Жиззах, Қашқадарё областларида топшириқлар ошириб бажарилди. Аммо айрим областлар ва Тошкент шаҳри ҳамда Қорақалпоғистон АССРда бу муҳим иш ҳануз кечиктириб [illegible] бирилмоқда.

КУЛЬБАШНАЯ,
[illegible]тон Табиатни му[illegible]лиш жамиятининг бошлиғи.

АВЛОДЛАРГА ИБРАТЛИ УМР

ОТАНИ ЭСЛАБ

Р. ҒУЛОМОВ,
Уруш ва меҳнат ветеранлари Ўзбекистон республика кенгашининг раиси.

Одамлар мунтазир бўлиб туришганига қарамай, уларни қабул қилмаслик учун турли баҳоналар излайдиган раҳбарлар ҳам гоҳо учраб қолади. Бундай амалпарастлар одатда лавозимларга юқоридан «парашютда» келиб қўнишган ёки сирли «қўнғироқ»дан сўнг эшикдан мулойим кириб келишган бўлади. Бундайлар юмшоқ ўриндиқда ўтиришлари билан шахсий манфаатларидан ўзга ҳамма нарсани унутишади. Улар минбарлардан давлат, халқ, коллектив олдидаги ижтимоий бурч ҳақида чиройли маърузалар қилишади, керагича доно маслаҳатлар беришади. Аммо ўзлари бунга изчил амал қилишмайди.

Кадрларни ишчанлик, инсонийлик фазилатига қараб эмас, кўпроқ шахсий садоқатига қараб танлаш, маҳаллийчилик, қариндошуруғчилик каби иллатлар республикамиз экономикасига, маънавий муҳитига қанчалик таъсир қилганлиги эндиликда сир эмас.

Бугунги кунда партия бутун ижтимоий-сиёсий ҳаётни, иқтисодий соҳаларни қайта қуриш, кадрлар сиёсатида йўл қўйилган хатоликларни тузатиш йўлидан бормоқда. Бу йўл КПСС XXVII съезди, Ўзбекистон Компартияси XXI съезди, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида конкрет белгилаб олинди.

Раҳбарнинг маънавий қиёфаси ҳақида ўйлаганимда, кўз ўнгимда беихтиёр республикамизнинг биринчи президенти Йўлдош Охунбобоев гавдаланади. Унинг нуроний чеҳраси, дўнишмандлиги, ватанпарвар ва инсонпарварлиги биз тенги кекса авлод хотирасида муҳрланиб қолган.

Йўлдош ота билан бирга ишлаган йилларим ҳаётимнинг энг ёрқин саҳифаларидир. У бутун умрини республикада социалистик тузумни қарор топтириш, экономикани ривожлантириш, халқ турмуш фаровонлигини оширишга бағишлади. 1920 йилларда инқилоб душманларига қарши курашди. Фарғона водийсида босмачилик ҳаракатини бостиришда, партия, комсомол ячейкалари ташкил этишда, «Қўшчи» союзи ишини жонлантиришда фаоллик кўрсатди.

Кейинчалик Ўзбекистон ССРда ер-сув ислоҳотини ўтказиш Марказий комиссиясининг раиси сифатида жуда катта иш олиб борди. Деҳқонлар оммасини кооператив орқали социализм қуришга тортиш, якка хўжаликларни коллектив хўжаликка бирлаштириш, маданий революцияни амалга оширишда жонбозлик кўрсатди.

Отанинг ташкилотчилик таланти республикамизда пахтачиликни ривожлантиришда, чўлларни ўзлаштириб, боғ-у бўстонларга айлантиришда айниқса яққол намоён бўлди. У Фарғона водийсидаги аҳоли зич жойларга, қишлоқларга бориб, халқ билан суҳбатлашар, уларнинг қалбида чўлларни ўзлаштириш иштиёқини ёқарди. Иўлдош отани кўрганлар, суҳбатини тинглаганлар унга эргашардилар, бамаъни маслаҳатларига қулоқ осардилар. Ота Марказий Фарғона, Мирзачўл, Жиззах чўлларини ўзлаштиришнинг ташаббускорларидан бири эди.

Тиниб-тинчимас, серғайрат Охунбобоев ҳамиша катта ишларнинг, умумхалқ ҳашарларининг бошида бўлар, кабинетда кам ўтирарди. Олий Совет сессияларига тайёргарлик ва уни ўтказиш кезларида у жуда қуйиб-пишиб ишларди. Қоғозбозликни хуш кўрмас, сессия муҳокамасига қўйиладиган материаллар қисқа ва лўнда бўлишини талаб қиларди. Сессиялар ва йиғинлар ўтгандан сўнг дарров оммаорасига борар, агитатор сифатида партия ва ҳукумат сиёсатини ишчиларга, деҳқонларга тушунтирарди. Ҳамма билан самимий гаплашар, ҳазил-мутойиба қиларди. Бу билан у обрўсини йўқотмасди, аксинча, халқнинг меҳру муҳаббатига сазовор бўлар, қалбига йўл топарди. «Одамнинг миллатига қараб эмас, одамийлигига қараб ажратиш лозим». Ота кўп такрорлайдиган бу сўзлар ҳамон ёдимдан кетмайди. У ҳақиқатан ҳам турли миллат вакиллари билан дарров тил топишиб кетар, том маънода интернационалист эди. Кадрларни танлашда одамнинг қайси миллатга мансублиги, билан қизиқмас, ҳамиша билимдонлик, инсонийлик, ишбилармонлик хислатларини улуғлар ва бундай кишиларни қўллаб-қувватларди. 1941 йил қишда немис-фашистлар Москвага хавф солаётган бир пайт да Иўлдош ота Ўзбекистон меҳнаткашлари делегациясига бош бўлиб фронтга борди. Ўзбек жангчиларини бепоён Совет мамлакатининг шон-шарафи, озодлиги ва мустақиллиги учун мардонавор курашга илҳомлантирди. У ўз нутқ ва мақолаларида, китобларида ҳам жаннатмакон пролетар интернационализми, халқлар дўстлиги ғояларини чуқур изоҳлаб берди.

Бугунги қайта қуриш жараёни турмушимизнинг ҳамма соҳаларини қамраб олаётган бир пайтда кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш масаласи ҳар қачонгидан ҳам актуал бўлиб қолди. КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь Пленумида «...кадрларимизнинг юксак ахлоқийлиги, ҳалоллик, виждоний поклик, камтарлик каби инсоний фазилатлар — энг муҳим талаблардир», деб таъкидланганда беихтиёр яна Иўлдош Охунбобоевнинг мулоҳазалари ёдимга тушди. У раҳбар ҳамиша омманинг кўз ўнгида бўлади, шу туфайли унинг поклиги ва ҳалоллигига шубҳа бўлмаслиги лозим, — дея уқтирарди. Ўзи ҳам партиявий принципиалликда, марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми ғояларига садоқатда намуна эди. У партия ва давлат арбоби сифатида шаклланишда улуғ Ленин асарларидан, Бутуниттифоқ оқсоқоли М. И. Калинин фаолиятидан кўп нарса ўрганди.

Партиямизнинг кадрлар сиёсатини қайта қуришдаги дадил тадбирлари биз, ветеранларни ғоят қувонтиради. Зеро, мамлакатимиз иқтисодий қудратини ошириш, халқ турмуш фаровонлигини яхшилашни жадаллаштиришда етук, билимдон ва умумманфаати учун жонкуяр раҳбар кадрлар муҳим роль ўйнайдилар. Улар тараққиётимиз дарғаларидир. Кадрларни танлашда демократияни чуқурлаштиришга эътибор кучаяётгани айни муддао.

Кадрларни тарбиялаш мураккаб, кўп босқичли, масъулиятли жараён. Бу иш болалар боғчасидан, мактабдан, махсус ўрта ва олий ўқув юртларидан бошланади. Партия Марказий Комитетининг қарорлари худди ана шу жабҳалардаги ишларни яхшилашга қаратилганлиги қувонарлидир. Лекин бу борада уруш ва меҳнат ветеранлари ҳам четда қолмасликлари лозим. Улар меҳнатда ва жамоат ишларида шахсий намуналари, жанговар хотиралари билан эртага жамиятни бошқариши лозим бўлган ёш авлодни ватанпарварлик, социалистик интернационализм, меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялашга доир ишларда фаоллик кўрсатишлари даркор. Бинобарин, уруш ва меҳнат ветеранлари Умумиттифоқ жамиятининг асл мақсади ҳам ана шу.

Биз ўғил-қизларимизни ижтимоий актив, ҳар томонлама мукаммал инсон бўлиб вояга етишини орзу қиламиз. Раҳбар кадрларимиз ишбилармон, тадбиркор, жонкуяр бўлиш билан бирга, амалпарастлик, миллий маҳдудликдан йироқ, инсонпарвар, камтарин кишилар бўлсин, деймиз. Халқимизнинг севимли фарзанди, ленинчи большевиклар авлодига мансуб Йўлдош ота Охунбобоевга иззат-икром, ижтимоий фаолиятда муваффақиятлар келтирган асосий фазилатлари унинг Ленин, партия ишига, халқлар дўстлиги ғояларига чексиз садоқати, оташин ватанпарварлиги эди.

Тошкентда Й. Охунбобоев ҳайкалини очиш маросимида.

В. МОЛГАЧЕВ фотолари.

Редактор Л. ҚАЮМОВ.

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

РЕСПУБЛИКА САТИРА ТЕАТРИ

(Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй «Восток» клуби. Телефон 41-05-50)

1, 2, 3 апрель соат 19.30 да

«ГАП ЭГАСИНИ ТОПАДИ»

номли икки қисмдан иборат театрлаштирилган музикали

САТИРИК КЕЧАГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Композиция авторлари: Санд АҲМАД, Ориф ФАРМОН, Носир ОТАБОЕВ.

ҚАТНАШАДИЛАР:

Республикада хизмат кўрсатган артистлар, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреатлари: Хайрулла САЪДИЕВ, Гулчеҳра САЪДУЛЛАЕВА ва Лутфулла САЪДУЛЛАЕВ;

Республикада хизмат кўрсатган артистлар: Ширин АЗИЗОВА, Шуҳрат РАСУЛОВ ва бошқалар.

Театрнинг бош режиссёри — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби **Н. ОТАБОЕВ.**

●

АНДИЖОН ДАВЛАТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича 1987 йил учун МАҚСАДЛИ АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Психиатрия — В. П. Сербский номидаги умумий ва суд психиатрияси институтида тайёргарликдан ўтган ҳолда;

руҳий касалликлар — Харьков медицина институтида тайёргарликдан ўтган ҳолда;

ҲУЖЖАТЛАР 1987 ЙИЛ 5 АПРЕЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Справкалар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 710007, Андижон шаҳри, Навоий проспекти, 136-уй. Аспирантура бўлими. Телефон 5-44-27.

●

«ЮЛДУЗЧА» НАШРИЁТИ

бош редактор ўринбосари ҳамда боғча ёшидаги болалар адабиёти редакцияси мудири лавозимларига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Нашриёт адреси: 700000, Тошкент шаҳри, Ленин кўчаси, 41-уй. Телефонлар: 32-26-06, 32-56-27.

●

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг

БИОХИМИЯ ИНСТИТУТИ

гормонлар биохимияси лабораториясининг кичик илмий ходими вакант вазифасига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — 3 апрелгача.

Мурожаат учун адрес: 700125, Тошкент шаҳри, М. Горький проспекти, 56-уй.

●

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 31/III да **Фирибгарнинг найранглари** (12.00), **Раймонда** (19.00), 2/IV да **Князь Игорь.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 31/III да **Парвона**, 1/IV да **Қутлуғ қон**, 2/IV да **Келинлар қўзғолони.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 1/IVда **Аршин мол-олон**, 2/IV да **Шайтон ва муридлар.**

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Москва цирки артистларининг гастроллари** (13, 16, 19.30).

Ўзбекистон ССР Маданий министрлигининг Ўзбекистон маданий ёдгорликларни таъмирлаш илмий-тадқиқот ва лойиҳа институти коллективи бўлим бошлиғи Қ. Т. Тожихўжаева онаси

Зуҳра ТОЖИХЎЖАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Социал таъминот министрлигининг марказий аппарати коллективи министрликнинг пенсия ва нафақа бошқармаси бошлиғи С. Мирзаахмедова укаси

Анвар ТОШПУЛАТОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти қуйидаги китобларни рус тилида чоп этди:

М. А. Ҳамидова. Ўзбек музикали драмасининг актёрлик санъати. 148 бет. Баҳоси 1 сўм 30 тийин.

Монографияда Ўзбекистон музикали драма театрларининг кўп йиллик тажрибаси умумлаштирилган, унинг тарихий эволюциясининг ҳар бир босқичида актёрлик программаси асосини ташкил қилган ижрочилик санъатининг асосий тенденциялари аниқланган.

Г. М. Раҳмонова. Совет драматургияси Германия Демократик Республикаси театрларида. 144 бет. Баҳоси 1 сўм 30 тийин.

Монографияда ГДРда социалистик театрнинг шаклланишида, республика саҳна санъатида социалистик реализм принципларининг қарор топишида совет драматургиясининг роли тадқиқ қилинган.

• Спорт

ХОККЕЙ:

ИККИ ҒАЛАБА

Хоккей бўйича СССРнинг иккинчи терма командаси Мюнхен шаҳрида ГФРнинг биринчи терма командаси спортчилари билан учрашди. Ўйин 5:2 ҳисобида хоккейчиларимиз фойдасига ҳал бўлди. Шайбаларни командамиз аъзоларидан: Попихин, Волгин, Евдокимов, Тюриков ва Борщчевскийлар киритишди.

СССР клублари терма командаси Оттава шаҳрида Канаданинг олимпия командаси билан иккинчи учрашувни ўтказди. Бунда майдон эгаларининг қўли баланд келди. Ҳисоб 2:1. Биринчи ўйинда меҳмонлар 6:4 ҳисобида ғалаба қозонган эдилар.

КОНЬКИ:

СССР КУБОГИ УЧУН

Олмаота яқинидаги баланд Медео яхмалагида конькида тез югуриш бўйича СССР кубоги учун мусобақалар давом этмоқда. Унда америкалик спортчилар конкурсдан ташқари қатнашмоқдалар.

Айрим масофаларга югуриш бўйича москвалик Ю. Клюевга омад кулиб боқди. У 5 минг метр масофани 6 минуту 56,88 секундда босиб ўтиб, маррага биринчи бо[illegible] етиб келди.

• Телевидение программаси

31 МАРТ—5 АПРЕЛЬ

31 март, сешанба

МТ-I. 8.00 — Зарядка. Мультфильм. Музика. 8.30 — Время. 9.35 — «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Бадиий фильм. 8 ва 9-серия лар. 12.00 — Лениндан ўрганамиз. 12.30 — Ҳужжатли фильм. 12.50 ва 16.30 — Янгиликлар. 16.45 — Ҳар доим бўлсин қуёш. 17.30 — Мальта этюдлари. 18.00 — Болалар учун фильм. 19.05 — Мультфильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Биз Олий милиция мактабиданмиз. 21.30 — Время. 22.30 — «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Бадиий фильм. 9-серия. 23.50 — Дунё воқеалари. 24.00 — Телетомошабин ҳамроҳи.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Қўшиқлар кўчаси. 9.40 — Ҳужжатли фильм. 10.00 — Будильник. 10.30 — Рус тили. 11.00 — М. Чайковский чалади. 11.20 — Ҳужжатли фильмлар. 12.00 — «Сахронинг оппоқ қуёши». Бадиий фильм. 13.20 — Француз тили. 13.55 — Мультфильмлар. 14.15 — Болалар учун фильм. 15.25 — Янгиликлар. 15.30 — Қишлоқ янгиликлари. 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Ритмик гимнастика. 19.15 — Ҳужжатли фильм. 19.45 — ...16 ёшгача ва ундан катталар. 20.30 — Ҳайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Волейбол. СССР чемпионати. 21.15 — Халқ куйлари. 21.30 — Время. 22.30 — И. Гайднинг Лондон симфонияларидан. 102-симфония. 23.00 — Ҳужжатли фильм. 23.30 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 7.05 — Ритмик гимнастика. 7.30 — Пионер телетайпи. 7.40 — Телефильм. 7.50 — «Салом, кичкинтойлар». 8.00 — Ахборот. 8.20 — Тонгги тароналар. 16.35 — «Сюрприз». Бадиий фильм. 17.10 — Телефильм. 17.30 — Янгиликлар. 17.40 — Фильм-концерт. 18.15 — Шу куннинг қаҳрамонлари. 18.25 — Бир актёр театри. 19.00 — Энг яхши тажриба — хўжалик юритиш практикасига. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ешлик. 20.30 — Ахборот. 20.50 — «Инсон ва қонун» программаси почтасидан. 21.20 — Мультфильм. 21.30 — Время. 22.30 — Ассалом, Баҳор!

УзТВ-II. 19.30 — «Биринчи муҳаббат». Спектакль. 21.30 — Время. **ДУШАНБА.** 22.30 — «Апрель туш[illegible]ари». Бадиий фильм. [illegible] — Шу куннинг янгиликлари. Бадиий фильм, 2-серия.

1 апрель, чоршанба

МТ-I. 8.00 — Зарядка. Мультфильм. Музика. 8.30 — Время. 9.20 — «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Бадиий фильм. 9 ва 10-серия лар. 11.50 ва 16.30 — Янгиликлар. 16.40 — XXI аср га экспедиция. 17.40 — ...16 ёшгача ва ундан катталар. 18.25 — Мультфильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Сиз яратган бог. 20.00 — Останкино концерт студиясида юмор кечаси. 21.30 — Время. 22.25 — «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Бадиий фильм, 10-серия. 23.35 — Дунё воқеалари. 23.45 — Фильм-концерт. 00.05 — Джаз панорамаси.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 — И. Ильф ва Евг. Петров. Асарлари саҳифаларида. 10.25 — Илмий-оммабоп фильм. 12.05 — Немис тили. 10.35 — С. Прокофьев. «Золушка». 11.05 — СПТУ ўқувчиларига. 11.35 — Тарих. 13.05 — «Олтин мина». Бадиий фильм. 1 ва 2-серия лар. 15.45 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Жаҳон музика маданияти хазинасидан. 19.45 — Агар соғлом бўлай десанг. 20.00 — Ҳамдўстлик. 20.30 — Ҳайрли тун кичкинтойлар! 20.50 — Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун! 21.20 — Ф. Қосимова куйлайди. 21.30 — Время. 22.15 — Балет артистларининг концерти. 22.40 — СССР халқ артисти И. Ильинский рус адабиётидан асарлар ўқийди. 23.30 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 7.05 — Ритмик гимнастика. 7.30 — Ҳужжатли фильм. 7.50 — Салом, кичкинтойлар! 8.00 — Ахборот. 8.20 — Рақслар гулдастаси. 16.35 — Химия. 17.05 — Телефильм. 17.30 — Янгиликлар. 17.40 — Қизиқувчилар экрани. 18.15 — Мультфильм. 18.25 — Фан уфқлари. 19.00 — Агросаноат: тажриба ва муаммолар. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Телефильм. 20.00 — КПСС Марказий Комитети январь (1987 йил) Пленуми қарорлари — ҳаётга! 20.30 — Ахборот. 20.50 — Совлар табассуми. 21.30 — Время. 22.25 — Бир кулишайлик.

УзТВ-II. 19.30 — Пионер телетайпи. 19.40 — Телефильм. 19.55 — Ритмик гимнастика. 20.15 — Нечипировка табассумлари. 21.30 — Время. **Душанба.** 22.25 — Дам олиш соати. 23.25 — «Апрель туш лари». Бадиий фильм, 2-серия.

2 апрель, пайшанба

МТ-I. 8.00 — Зарядка. Мультфильм. Музика. 8.30 — Время. 9.20 — «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Бадиий фильм. 10 ва 11-серия лар. 11.35 — Андерсен эртаклари. 12.20 ва 16.30 — Янгиликлар. 16.40 — Тарих сабоқлари. 17.25 — Волконскийлар уйида кеча. 18.00 — Фан ва турмуш. 18.30 — Мультфильм. 18.45 — ВЛКСМ XX съезди олдидан. 19.30 — Дунё воқеалари. 19.45 — Давлат Марказий концерт залида Туриманистон санъат усталари ва ижодкор ёшларининг концерти. 21.30 — Время. 22.15 — «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Бадиий фильм, 12-серия. 23.20 — Дунё воқеалари. 23.30 — Сиз бунга қодирсиз.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 — Ўқув кўрсатуви. 10.05 — Испан тили. 11.05 — Илмий-оммабоп фильм. 11.35 — Зоология. 12.05 — Ф. Купер. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 13.15 — «Андронников сўзи». 14.25 — Халқаро конкурслар лауреати. Ю. Сидоров чалади. 15.15 — Янгиликлар. 15.20 — Ю. Олеша ижоди. 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Музикали киоск. 19.15 — Халқ ижодиёти. 20.50 — Волейбол. СССР чемпионати. 20.30 — Ҳайрли тун, кичкинтойлар! 20.50 — Ритмик гимнастика. 21.20 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — Время. 22.15 — И. Гайднинг Лондон симфонияларидан. 103-симфония. 22.45 — Автомобиль спорти. Халқаро мусобақалар. 23.45 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 7.05 — Ритмик гимнастика. 7.30 — Ҳужжатли фильм. 7.50 — Салом, кичкинтойлар! 8.00 — Ахборот. 8.20 — Тонгги тароналар. 16.35 — Эстетика асослари. 17.15 — Телефильм. 17.30 — Янгиликлар. 17.40 — «Абитуриент-87». 18.15 — Мультфильм. 18.30 — Ғаввоқ ва замон. 19.00 — «Тошкент». Манзарали фильм. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Давлат қабули — давр талаби. 20.20 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Сен кутган баҳор. 21.30 — Время. 22.15 — Қишлоқ хўжалиги билимлари телевизион университети. 22.45 — «Истироҳат боғи». Бадиий фильм.

УзТВ-II. 19.30 — Спорт шарҳи. 20.20 — Реклама. 20.30 — Ҳужжатли фильм. 20.50 — Қайта қуриш — ҳаётий зарурат. 21.30 — Время. **Душанба.** 22.15 — Замондошимиз. 23.00 — Телефильм. 23.25 — Шу куннинг янгиликлари.

3 апрель, жума

МТ-I. 8.00 — Зарядка. Мультфильм. Музика. 8.30 — Время. 9.15 — «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Бадиий фильм. 11 ва 12-серия лар. 11.25 — Ҳайвонот оламида. 12.20 ва 18.30 — Янгиликлар. 16.45 — С. Михалков қаҳрамонлари экранда. 17.35 — Сенинг талантларинг, Украина. 18.05 — Объективда — Ватан фотоконкурси. 18.10 — Илмий-оммабоп фильм. 19.10 — Муаммолар — изланишлар — ечимлар. 19.55 — Дунё воқеалари. 20.10 — Музика ва биз. 21.30 — Время. 22.15 — «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Бадиий фильм, 12-серия. 23.20 — Дунё воқеалари. 23.30 — Давлат Марказий концерт залида В. Леонтьев концерти.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 — Музика. 10.05 — Инглиз тили. 11.05 — Илмий-оммабоп фильм. 11.35 — География. 12.05 — АБВГДейка. 13.10 — «Менинг азиз кишим». Бадиий фильм. 15.20 — Янгиликлар. 15.25 — Э.-Т.-А. Гофман. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 18.30 — Янгиликлар. 18.40 — И. Егиков шеърлари асосида қўшиқлар. 18.55 — Москва. Кинокўрсатув. 19.05 — Венгрия давлат рақс ансамблининг концерти. 20.00 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Ҳайрли тун, кичкинтойлар! 20.50 — Телевизион ҳужжатли фильм. 21.20 — Киножурнал. 21.30 — Время. 22.15 — Футбол. СССР чемпионати. 23.55 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 7.05 — Ритмик гимнастика. 7.30 — Ўринбосарлар улгаймоқда. 7.50 — Салом, кичкинтойлар! 8.00 — Ахборот. 8.20 — Тонгги тароналар. 16.35 — Ботаника. 17.05 — Телефильм. 17.30 — Янгиликлар. 17.40 — Рус адабиёти. 18.15 — Оламни кашф этиб. 18.40 — Фан-техника тараққиёти ва қайта қуриш. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ешлик. 20.15 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Эстрада концерти. 21.30 — Время. 22.15 — Ўзбекистон: спорт шуҳрати эстафетаси. 22.55 — Бугун оламда нима гап?

УзТВ-II. 19.30 — «Жонли миниатюралар». Бадиий фильм. 20.35 — Ритмик гимнастика. 20.55 — Беш йиллик: ишлар ва одамлар. 21.30 — Время. **Фрунзе.** 22.15 — Актуал мавзуларда суҳбат. Кўрсатув тугагач — Бадиий фильм.

4 апрель, шанба

МТ-I. 8.00 — Зарядка. Мультфильм. Музика. 8.30 — Время. 9.15 — Нега ва нима учун? 9.45 — «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Бадиий фильм, 12-серия. 10.50 — Илмий-оммабоп фильм. 11.10 — Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 11.40 — Ҳужжатли фильм. 13.00 — Ҳамдўстлик. 13.30 — Мультфильм. 14.00 — Шанба — ота-оналар куни. 15.30 — Дунё воқеалари. 15.45 — Венгрия миллий байрами — Озодлик кунига. 16.45 — Инсон институти. 17.45 — Ҳужжатли фильм. 18.35 — Ф. Шопен этюдларини Л. Тимофеева ижро этади. 18.55 — 9-студия. 20.10 — Кино ва томошабин. 21.30 — Время. 22.05 — Шанба оқшомида. 23.35 — Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг. Музикали программа.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 — Ритмик гимнастика. 10.05 — Ростов телевиденесининг программаси. 11.05 — Тонгги почта. 11.35 — Стадион ҳамма учун. 12.20 — А. Васильевнинг хор асарлари. 12.50 — Телевизион театр таклиф этади. 14.40 — Жаҳон бадиий маданияти. 15.40 — Инсон ва қонун. 16.10 — Қувноқ стартлар. 16.55 — Москвада «Боббисокс» ансамблининг чиқиши. 17.45 — Мультфильм. 17.55 — Реклама. 18.00 — «Ҳам ҳаёт, ҳам кўз ёши, ҳам севги». Бадиий фильм. 19.40 — Чех филармонияси ёшларга. 20.30 — Ҳайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Здоровье. 21.30 — Время. 22.05 — «Ўғри қарға». Бадиий фильм. 23.25 — СССР халқ артисти Н. Анненков ижоди ҳақида.

УзТВ-I. 7.05 — Ритмик гимнастика. 7.30 — Телефильм. 7.50 — Салом, кичкинтойлар! 8.00 — Ахборот. 8.20 — Ҳужжатли фильм. 8.30 — Время. 9.15 — Телефильм. 9.30 — Врач маслаҳати. 9.40 — Аёл ғўзаллиги дунёни безар. 11.55 — Йўл ҳаракати қоидаларини ўрганамиз. 12.30 — «Мен актрисаман». Бадиий фильм. 14.10 — Буни ҳамма билиши ва ундадаги керак. 18.00 — Ғўзаллик оламига саёҳат. 19.00 — Инсон ва табиат. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ассалом, футбол! 20.30 — Ахборот. 20.50 — Цирк! 21.30 — Время. 22.05 — Варҳаёт наволар.

5 апрель, якшанба

МТ-I. 8.00 — Зарядка. Мультфильм. Музика. 8.30 — Время. 9.15 — Ҳужжатли фильмлар. 9.35 — Ҳаракат ҳавфсизлиги учун. 9.40 — Ритмик гимнастика. 10.25 — Спортлото. 10.40 — Будильник. 11.10 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 12.10 — Тонгги почта. 12.40 — Саёҳатчилар клуби. 13.40 — Музикали киоск. 14.10 — Қишлоқ яигиликлари. 15.10 — Здоровье. 15.55 — Ешлик куйлайди ва рақса тушади. 16.10 — Ёзувчи сўзи. 16.25 — Киноафиша. 17.10 — Эртак ҳузурида меҳмонда. 18.30 — Ҳалқаро панорама. 19.15 — Мультфильм. 19.45 — Ленинград — Сиэтл: бир йил ўтгач. 20.40 — Эстрада артистлари VIII Бутуниттифоқ конкурси лауреатларининг концерти. 21.30 — Время. 22.05 — Концертнинг давоми. 22.55 — Янгиликлар.

МТ-II. 9.00 — Зарядкага сафланинг! 9.15 — «Ўғри қарға». Бадиий фильм. 10.35 — Рус тили. 11.05 — Рахманинов музикаси кунлари. 12.05 — Илмий-оммабоп фильм. 12.45 — Рахманинов романсларини СССР халқ артисти И. Архипова ижро этади. 13.00 — С. Рахманинов. Паганини мавзулари асосида рапсодия. 13.30 — Менга сўз беринг. 14.25 — Мультфильмлар. 14.35 — Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига. 17.25 — С. Рахманинов. 2-симфония. 18.20 — Ҳайвонот оламида. 19.15 — С. Рахманинов асарларидан концерт. 20.30 — Ҳайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Ватаннинг қадрдон кишилари. 21.30 — Время. 22.05 — «Севаман, кутаман, Лена». Бадиий фильм. 23.20 — Янгиликлар. 23.30 — Волейбол.

УзТВ-I. 7.05 — Ритмик гимнастика. 7.30 — Музика. Баҳор. Яхши кайфият. 8.00 — Ахборот. 8.20 — Телефильм. 8.30 — Время. 9.10 — Бирганликда куйлаймиз. 9.40 — Истеъдод. 10.10 — Болалар учун телеспектакль. 10.40 — Шеърият сатрлари. 11.10 — Шахмат мактаби. 11.40 — Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишланган II Бутуниттифоқ халқ ижодиёти фестивали. 12.50 — «Стадион узра баҳор байроқлари». 13.35 — Техника ижодиёти мактаби. 14.10 — Реклама. 18.05 — Мультфильмлар. 18.30 — Санъат ғунчалари. 19.00 — Бугун — Геологлар куни. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Сиз бизга мактуб йўллабсиз. 21.30 — Время. 22.05 — Оламга саёҳат.

...и Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. В. — 13. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12